БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 30 ноябрь Жума

№ 228 (13.664). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXIV съезди тўғрисида

АХБОРОТ

Кеча Тошкентдаги «Санъат саройи»да Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди ўз ишини давом эттирди.

Делегатлар эрталаб муаммолар бўйича марказларда ишладилар.

Тушдан кейин улар ялпи мажлисга йиғилдилар. Ҳисобот маърузалари бўйича музокараларда Фарғона вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби А. Арзаматов, Сурхондарё вилояти, Сариосиё ноҳиясидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси Б. Мирзаев, Андижон вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби З. Саидхўжаев, Хоразм вилояти, Хонқа ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби К. Жуманиёзов, Қашқадарё вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби М. Саидмуродова, БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Зюкин, Жиззах вилояти Октябрь ноҳиясидаги Ф. Хўжаев номидаги давлат хўжалиги комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи М. Нуралиев, Самарқанд вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби Б. Зокиров, «Ташгорхлеб» бирлашмаси иқтисодчиси П. Абдураҳимов ўртоқлар иштирок этишди.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котибини сайлаш ҳамда жумҳурият комсомоли сайлаб қўйиладиган органларини шакллантириш комиссияси номидан Сурхондарё вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби У. ХОЛМОНОВ ахборот берди.

«Ўзбекистон ССЖда давлатнинг ёшлар тўғрисидаги сиёсати», «Назорат комиссияси ва Ўзбекистон ЛКЁИнинг молиявий-иқтисодий фаолияти», «Комсомол ва маориф», «Ўзбекистон комсомолининг Устави ва Ҳаракатномаси» муаммолар марказларидаги иш якунлари тўғрисида делегатларга Ўзбекистон ССЖ Президент кенгашининг аъзоси, жумҳурият Ёшлар ташкилотлари қўмитаси раиси А. САИДОВ, Самарқанд вилояти комсомол ташкилоти тафтиш комиссиясининг раиси Б. ҚУДРАТОВ, Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг котиби Ё. ШОДМОНОВ ҳамда Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ж. ҲАКИМОВ ва Тошкент вилояти комсомол қўмитасининг котиби Ш. ҚОСИМОВ ўртоқлар ахборот беришди.

Съезднинг кечқуруни мажлисида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Назорат Комиссиясининг янги таркиблари сайланди. Делегатлар бир овоздан Азиз НОСИРОВни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайладилар.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг аъзолари А. С. ЕФИМОВ, Ж. Ҳ. ҲАМИДОВ, Р. А. ПОПОВ, КПСС Марказий Қўмитасининг йўриқчиси Е. А. НОВОЖИЛОВ ўртоқлар қатнашишмоқда.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.





Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездида.
Е. БОТИРОВ суратлари.



«СИЗЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ»



Урайимжон САИДАМАТОВ,
Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг собиқ котиби, комсомол ветерани, съезд делегати.

Одамзод ўзи шунақа: ёш ўтган сайин умр йилларини бирма-бир таҳлил қиларкан. Бора-бора теварак-атрофга яна ҳам синчковроқ боқадиган, етти ўлчаб бир кесадиган бўлиб қоларкансан, киши.

Бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Чунки ўша турғунлик йиллари деб аталаётган даврда мен комсомолда раҳбарлик лавозимларида ишлаганман. Аввал Фарғона вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби, кейинчалик эса Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг мафкуравий ишлар бўйича котиби бўлганман. Йўл қўйилган хатоларни даврга, замонга ағдаришга кўникиб қолганмиз. Ўйлаб қарасам, булар асоссиз гаплар экан. Айбнинг боши — бу ҳокимият тепасидаги раҳбарнинг ва унинг атрофидаги раҳбарчаларнинг юритаётган сиёсатида экан. 70- ва 80-йилларнинг биринчи ярмида биз комсомол ходимлари юқори фирқа раҳбарлари айтган гапларни икки қилмас, чизган чизиқларидан чиқмасдик. Ҳамма бало бизнинг мана шу мўмин қобиллигимизда экан.

Қайта қуриш шабадалари эркин эса бошлагандан буён одамлар кўкрагидаги оғриқ йўқолди. Ҳамма чуқур фикрлайдиган, дилидагини, тилидагини бемалол айта оладиган бўлди. Бугун съезд ишида қатнашар эканман, буни яна бир бор аниқ ҳис этдим. Ҳар ким кўнглидагини бемалол айтаётир, комсомол раҳбарларини ҳеч чўчимай танқид қилаётир. Бизнинг давримизда-чи? Асло бунақа бўлмаган. Ҳаммаси хамирдан қил суғиргандек, аввалдан пухта ўйланган кун тартиби асосида ўтарди. Ҳаттоки, кимнинг биринчи ва кимнинг иккинчи котиб бўлишигача аввалдан белгилаб, тўғрироғи тайинлаб қўйиларди. Съездда уларни шунчаки номига сайлардик...

Бугун съездда қатнашаётган йигит-қизларга ҳавасим келади. Чунки улар жумҳурият ёшларининг бу олий анжуманида ўзларини ташвишга солаётган муаммолар тўғрисида ҳеч тортинмай баралла гапиришмоқда. Комсомол обрўсини ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш хусусида очиқ-ойдин сўзлашмоқда. Танқид ва талабчанликни бўшаштиришмаётирлар. Мен комсомолда ишлаган пайтларда эса... Шунда сизларга жуда-жуда ҳавасим келади.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди музокараларидаги нутқлардан

М. МИРХЎЖАЕВ — Тошкент вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби:

Ҳурматли ўртоқлар! Съезд ҳеч нарсани ҳал қилмайди, съезд ўтаверади-ю, аммо муаммолар ҳал қилинмай қолаверади, деган фикрларни кўп эшитганмиз. Албатта, агар съезд қарорлари, унинг фикрлари ва ғоялари тинч хоналарда яратилган ва ҳақиқий ҳаётдан йироқ бўлса, у ҳавойи бўлса муваффақият кутмаса ҳам бўлаверади.

Агар съезд фикрлари, ғоялари омма ижодининг, жамоа изланишларининг натижаси бўлса — бу бошқа гап. Бундай ҳолда съезд фикрларини аниқ шакллантиришга, уларни амалга ошириш мақсадлари, йўллари ва воситаларини белгилашга ёрдам бериши мумкин.

Мисол тариқасида БЛКЁИ XXI съездини келтириш мумкин. Унинг якунлари, қабул қилинган ҳужжатларига амалий ёндашсак, биз унинг комсомолдаги ҳақиқий вазиятинигина эмас, балки ёшлар иттифоқининг келажагини ҳам кўра билишга, унинг асосларини яратишга, бу йўлда биринчи қадамни қўйишимизга, ёшлар ижодиёти ва ташаббуслари учун эркинлик яратиб беришга катта ёрдам кўрсатганини тан олишимиз керак. Агар биз бирор нарсани амалда қўллай олмаган бўлсак, бу бизнинг фикрлашимиз турғунлашиб қолганлиги, жамият ва комсомолда рўй бераётган улкан ўзгаришларга ўз вақтида тўғри баҳо бера олмаганлигимиз оқибатидир.

Тошкент вилоят вакиллари бугунги съездга худди мана шундай нуқтаи назар билан келдилар.

Бугун комсомол, унинг келажаги ҳақида турлича фикрлар эшитишга тўғри келяпти. Бизнинг ҳам ўз фикрларимиз бор. Биз комсомол ўз умрини яшаб бўлди, деган фикрга қаршимиз. Лекин комсомол қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолиши керак, деган фикрдан ҳам йироқмиз. Агар ёшлар билан ишлашнинг алоҳида усуллари ва йўллари ишлаб чиқилса, комсомол қўмиталарининг иш услублари яна бир бор мукаммаллаштирилса, ишлар юришиб кетади, деб ўйласак, адашамиз. Буларнинг барчаси аввал ҳам бўлганди.

Жумҳуриятимиздаги минглаб ёшлар ўзларининг меҳнат, уй-жойга бўлган конституцион ҳуқуқларини амалга ошира олмаётган, тиббий хизмат ва билим даражаси ўта ривожланган Ғарб мамлакатлари у ёқда турсин, ҳатто умумиттифоқ даражасидан ҳам паст бўлиб турган бир шароитда биз, ёшлар иттифоқи кечаги ҳолатимизда қола олмаймиз, қолишга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Бугунги кунда ёшлар жумҳурият аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади, шу билан бир вақтда, худди мана шу ёшлар кўп ҳолларда жамият равнақи ва унинг зиддиятларидан зарар кўряптилар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан камситилмоқдалар. Наҳотки Тошкентда ёш оилалар уй олиш учун 10-15 йиллаб навбат кутишлари оддий ҳол бўлиб қолса? Ёшларимизнинг 60 фоизи 22 ёшга тўлмай турмуш қураётган бир пайтда улар ана шундай қийинчиликка дуч келаётганликларига лоқайд қарашимиз мумкинми?

Биз ушбу муаммолардан кўз юмиб, иттифоқимизнинг бош мақсадини сафларимиз ғоявий тозалигини сақлаш деб билишимиз тўғрими? Бунга ҳаққимиз борми?

Ёшларимизнинг кўп қисми бизнинг аниқ амалий ёрдамимизни ҳис этмай, фақат ваъдалар эшитаверганн сабабли комсомол сафидан чиқаётган эмасмикан?

Шунинг учун биз комсомол йигит ва қизларимизнинг фуқаролик ҳуқуқлари, сиёсий ва иқтисодий қизиқишларини ифодалабгина қолмай, балки уни ҳимоя қилувчи, айниқса жумҳурият бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги шароитида ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини аниқ кафолатлар билан таъминлай олиш имконига эга бўлган ёшлар иттифоқи бўлишини хоҳлаймиз. Ёшлар бизнинг сўзларимизни амалдаги ишларда кўрсаларгина бизга ишонадилар ва ортимиздан борадилар. Бу борадаги аниқ таклифларни биз мунозара марказлари муҳокамасига тавсия этамиз. Бугунги кунда кичик, лекин аниқ ҳаракатлар минглаб катта дастурлардан ҳам муҳим бўлиб қолди. Биз ҳатто ўзаро баҳслашаётган пайтимизда ҳам иттифоқимизнинг оддий аъзоларини эсдан чиқармаслигимиз муҳимдир. Шахсий муносабатларни унутиб, ўзгалар фикрига нисбатан сабр-тоқатли бўлишимиз лозим. Фақат ўзаро келишувчанлик асосидагина биз тўғри йўлни танлай олишимиз мумкин. Съездда фақат ўзимизнинг нуқтаи назаримизни, фақат ўзимиз хоҳлаган нарсани гапиришларини қатъий талаб қилишимизга асос йўқ, деб ҳисоблайман. Бу ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилмаслик, менсимасликдир. Ташкилотимизни йўқ қилиш ниятида бўлганлар орамизда бўлмаса керак, бўлса ҳам биз уларнинг ноғорасига ўйнамаслигимиз лозим. Уюшмамиз ўз масалаларини ҳал қилиши учун дадил қатъий ҳаракатлар керак, янги сифатли ташкилот керак. Акс ҳолда съезд ўз вазифасини бажара олмайди.

Биз қандай ташкилот қурмоқчимиз? Гапнинг дангали — бизга ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, барча тараққийпарвар ёшларни бирлаштирувчи ташкилот керак.

Шунинг учун Ҳаракатнома ва Устав лойиҳалари мунозара марказлари мажлисида тамомила ишлаб чиқилиб, таклиф, ўзгартишлар киритилиши ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинишини таклиф этаман.

БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари ҳақида гапирсак, бизнингча, уларнинг фаолиятларини ўрганиш комиссияси раиси тайёрлаган ахборот энг асосий нарсани — таҳлилни ўз ичига киритмаган, ҳамма учун маълум бўлган маълумотларни қайд қилган. Биз комсомол Марказқўми, жойлардаги комсомол қўмиталари уларга қандай ёрдам кўрсатдилар, деган саволга жавоб эшитмадик.

Бундан ташқари, ахборотда хабар берилганидек, маҳаллий ҳокимият органлари бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ССЖИ халқ депутатлари ҳал этадилар, деган тушунча нотўғри бўлар эди. Бизнингча депутатларнинг асосий вазифалари қонунлар яратишда иштирок этишдир. Шунинг учун ҳам съездга БЛКЕИдан сайланган депутатлар қандай иш олиб бораётгани, улар ССЖИ Олий Кенгаши қўмита ва комиссияларига қандай лойиҳа ва таклифлар киритганликлари, уларнинг қай бири ўтди, ўтмаганлари қайси сабабларга кўра ўтмади, каби маълумотлар берилиши керак эди.

Иккинчидан, ҳар бир депутатдан бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот эшитиб уни муҳокама қилсак, шундагина уларнинг ҳар бири ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Ва, ниҳоят, учинчидан, «БЛКЕИ XXI съезди комсомолдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари фаолиятини чуқур ўрганиб чиқди», деган сўзлар нотўғри. БЛКЁИ XXI съездида биз уларнинг ҳисоботларини деярли эшитмадик. Бундан ташқари ўша пайтдаги ҳисоботнинг ўзида «БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари қонунчиликни муҳокама қилишда, комсомол ва ёшлар қизиқишини ифодалайдиган янги бандлар киритиб қонунларни мустаҳкамлашда ҳар доим ҳам фаол иштирок этмаяптилар» деган баҳо берилган эди. Ўйлашимча, бизнинг депутатлар ҳам шу баҳога сазовордирлар.

Халқ депутатларининг сусткашлиги объектив сабабларга кўра ҳам сезилади. Уларнинг ҳуқуқий тайёргарлиги етарли даражада бўлмай, кўп соҳаларга тушунмаганликлари, шунингдек, сиёсий ишдаги тажрибаларининг камлиги ҳам панд берди.

Бироқ, унда нега Марказқўм бюроси бошқа номзодлардан юз ўгириб ўз қарорида бўлғуси депутатларни тасдиқлади. Ўз-ўзидан савол туғилади: бюро қайси принципга асосланиб бундай йўл тутди, наҳотки ҳар бир шахс ўз жойида ўз иши билан шуғулланиши лозимлиги, сиёсат билан эса сиёсатчилар шуғулланишлари кераклиги тушунарли бўлмаса? Фақат яхши ишчи, колхозчи, ўқитувчи ёки комсомол ходими бўлгани учунгина барчани ҳам ССЖИ халқ депутатлигига сайлайвериш керак эмас-да.

Шунинг учун ҳам янги сайланадиган Марказқўм бюроси ана шу масалага баҳо берса тўғри бўларди, деб ҳисоблаймиз. Чунки аввал хато қилинган бўлса, ҳали уни тузатиш учун имконият бор.

Марказқўм ҳисобот маърузаси ҳақида икки оғиз сўз. Иккинчи даражали нарсалар ҳақида гапириб вақтингизни олмай, энг асосий масала ҳақида гапирмоқчиман. Биз маърузада Марказқўмнинг ўз фаолиятига берган танқидий баҳосини кўрмадик. Бизнингча, Марказқўмнинг асосий камчилиги, биринчи навбатда, унинг Бюроси ва Котиботининг асосий камчилиги сиёсий ва ички иттифоқ масалалари бўйича ўзининг аниқ мавқеини белгилаб олмаганлигидадир. Биз бир нарсани тушунмадик. Паркент ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Маҳамаджон Иброҳимов Марказқўм бу ноҳиядаги воқеаларга нисбатан ўзининг муносабати ҳақида резолюция қабул қилиши учун VII пленумда сўзга чиқиши шартмиди? Наҳотки бу ишни Марказқўм ёки ёшлар иттифоқи бажармаса, бу ҳодисаларга ўз баҳосини берувчи бирон ташкилот ёки кишилар ҳар доим топилиши тушунарли бўлмаса? «Бирлик» жамиятининг ҳаракатлари ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Яна бир нарса ҳақида гапирмоқчиман. Маълумки, БЛКЁИ XXI съездида Ўзбекистон вакиллари номидан сўзга чиққан Самарқанд шаҳар Темирйўл ноҳия комсомол қўмитаси биринчи котиби Аъзам Аҳроров ташаббуси билан БЛКЁИ аъзоларини ҳисобга олишнинг янги тартиби ҳақида резолюция қабул қилди. Бугунги кунда фақат Тошкент вилоят комсомол қўмитаси мазкур янги тартибни амалда жорий этди. Хомчўтларга, қараганда, бир йил ичида ғолибларни қисқартириш, идора ашёлари, почта ва бошқаларга кетадиган маблағ ҳисобига 2 миллион сўм пул тежаш имконига эга бўлдик.

Жумҳурият бўйича у 7—7,5 миллион сўмни ташкил қилиши мумкин эди. Бу пулларни ёшларнинг аниқ муаммоларига сарфласак, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди?

Лекин Ўзбекистон ЛКЁИ Марказқўми VIII пленумининг қарори жумҳурият комсомоли раҳбарияти бу масалада ҳануз бир фикрга келмаганини кўрсатди.

Шундай қилиб, ҳатто энг илғор, одил қарорлар ҳам, дастурлар ва уставларни ҳам амалга оширилиши бобида аниқ ҳаракатлар белгилаб олинмаса уни бажариш учун фақат мавқеи билан эмас, балки ақл-идроки, иқтидори, саводхонлиги билан иш юритадиган кишилар киришмас экан, у қандай муҳим вазифа бўлмасин, амалга ошмай қолиши мумкинлиги тарихимиз ва съездимиз учун асосий сабоқ бўлиб қолиши керак.

Ва энг охиргиси. Ташкилотимиз фақатгина ёшлар муаммолари бўйича эмас, балки Ўзбекистон, шунингдек, иттифоқ шартномаси каби масалалар бўйича ҳам ўз нуқтаи назарини белгилаб олиши керак.

Биз бу масалалар бўйича ҳам ҳужжатлар лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга қўйишимиз мумкин эди.

Агар ёшлар съездимиз қарорларидан ўзларини қизиқтираётган масалаларига жавоб топсалар, мен шу ерда ўтирган ҳаммамизнинг вақтимиз, ҳаракатларимиз беҳуда кетмаяпти, деб ҳисоблардим. Ҳисобот давомидаги Марказий қўмита фаолиятини қониқарли, деб ҳисоблайман.

Б. МАМБЕТМУРОТОВ — Мўйноқ «Рибпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитаси котиби:

— Барчамиз мамлакатимиз ва жумҳуриятимизда ўзгаришлар содир бўлаётганлигининг гувоҳимиз. Жумҳурият ёшлари олдида кўп муаммолар турибди. Ана шу ҳал этилмаган муаммолар тўғрисида маърузада ҳам айтиб ўтилди. Шундан ҳам съезд делегатлари ва қатнашчиларининг жумҳуриятимизда ёшлар ҳаракатини тубдан ўзгартириш учун куч-ғайратни бирлаштириш зарурлигига ишончим комил.

Мендан олдин сўзга чиққан ўртоқлар келажак эгалари бўлган ёшлар ҳақида ғоят ташвиш ва умид билан гапирдилар. Мен берилган имкониятдан фойдаланиб, барча кишиларнинг оғир ташвишига айланиб қолган Орол денгизи тўғрисида ўз фикрларимни айтмоқчиман. Бир пайтлар Орол денгизи қирғоғи ажойиб маскан эди. Эндиликда-чи?..

Мазкур съезд қатнашчилари мени тўғри тушунадилар деб ўйлайман. Чунки мана шу экологик фожиа марказининг бевосита вакили бўлганлигим учун ҳам шундай дейишга ҳақлиман. Орол денгизи қуриб бораётганидек даҳшатли воқеанинг гувоҳларидан бири бўлганим учун бу ҳақда алам-ташвиш билан гапираяпман.

Фожиа минтақасида яшаётган биз, ҳозир болаларнинг ўлими жиҳатидан биринчи ўринни эгаллаб турибмиз. Иттифоқ бўйича болалар ўлими ҳар тўққиз юз янги туғилган боланинг 20—22 тасини ташкил этса, бизда ҳар минг янги туғилган боланинг 181—183 нафари нобуд бўлмоқда. Улар бу ёруғ дунёга келиб, у нима эканлигини англамасдан ҳаётдан кўз юммоқдалар, омон қолганларнинг кўпчилиги ногирон, мажруҳ ва касалманд бўлиб ўсмоқда.

Нима учун улар ана шундай туғилмоқдалар? — деган савол туғилади. Чунки уларни турли хил касалликлардан азоб чекаётган оналар туғмоқдалар.

1989 йилда Мўйноқ ноҳияси бўйича аҳоли ўртасида тиббий кўрикдан ўтказиш амалга оширилди. Ана шу кўрик натижаси аҳолининг 70—75 фоизи турли хил касалликларга чалинганликларини кўрсатди.

Кўз ёшларимиз билан Орол тўлиб қолмайди, лекин Оролбўйи ноҳияларида яшаётган халқни қутқариб қолиш — бу зарур ва бизнинг бурчимиздир.

БЛКЁИ XXI съездида Орол бўйича қарор қабул қилинган эди. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, унинг бир бандидан ташқари, яъни болалар дам олиши, соғлиғини тиклаши ва даволаниши учун Бутуниттифоқ пионер лагерларида қўшимча ўринлар ажратиб беришдан ташқари бошқа бандлари бажарилмади. Биз учун қуруқ сўздан иборат бўлган эмас, балки аниқ ишларни назарда тутувчи резолюция зарур. Шундан келиб чиқиб Мўйноқ ноҳия ёшлари Оролбўйи аҳолисига ичимлик суви ва экологик тоза бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни имкони борича таъминлашни таклиф этадилар. Биз учун мутахассислар, айниқса, докторлар ғоят зарур. Чунки касалланиш камаймай, аксинча кўпайиб бораяпти. Шунингдек, турли хил касалликлардан азоб чекаётган оналаримиз учун ҳар қандай санаторий ва даволаш муассасаларининг эшиклари кенг очилиши керак.

XXIV Ўз ЛКЁИ СЪЕЗДИ

Тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари Б. УБАЙДУЛЛАЕВ ҳисоботи

Ҳурматли ўртоқ делегатлар!

Жумҳурият комсомол ташкилотининг Тафтиш Комиссияси жумҳурият комсомолининг XXIII съездида 33 киши миқдорида сайланган эди. Ҳисобот даври мобайнида комиссия таркиби роппа-роса учдан бир қисмига янгиланди. Комиссия фаолиятини ташкил этишда тезкор қарорлар қабул қилиш мақсадида шу йилнинг март ойида бюро сайланган эди. Ҳисобот даврида комиссиянинг 9 йиғилиши ва бюронинг 8 мажлиси бўлиб ўтди, уларда 30 дан ортиқ масалалар кўриб чиқилди.

Комиссия томонидан биринчилар қаторида ўтказилган тадбирлардан Марказий Қўмитанинг бўлимлари томонидан XXIII съезд иши мобайнида тушган таклифлар ва танқидий фикр-мулоҳазалар билан иш юритишини ўрганиш бўлди. Уларнинг миқдори 65 та бўлиб, 51 таси назоратга олинган эди. Буларнинг ярмидан кўпи Марказий Қўмитанинг, комсомол қўмиталарининг аҳамиятли масалаларига тегишли фаолиятини яхшилашга қаратилган эди. 20 га яқин таклифлар съезд қарорининг лойиҳаси қайта ишланаётган вақтда ҳисобга олинган эди, 35 та таклифнинг амалга оширилиши Марказий Қўмитанинг II пленуми қабул қилган комплекс ҳаракатномасига киритилди.

Тафтиш Комиссияси томонидан Марказий Қўмитанинг бўлимларида, «Комсомолец Узбекистана» рўзномаси муҳарририятида комсомолларнинг ва ёшларнинг хатлари ва мурожаатномалари билан ишлаш тартиби ўрганилиб чиқилди.

Хатлар, мурожаатномалар ва аризалар асосан белгиланган муддатларда кўриб чиқилган.

Уч ярим йил мобайнида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига 900 дан ортиқ хат ва мурожаатнома тушди. Ўтган ҳисобот даврига қараганда хатлар билан ишлаш умуман олганда яхшиланган.

Комсомол ва ёшларнинг хат, мурожаатномалари ёшларнинг талаблари, муаммолари тўғрисидаги ахборот сифатида қабул қилиниши лозим, муаллифлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши керак. Бироқ, Марказий Қўмита аппарати ходимлари бу қоидага доимо ёндашилмайдилар, хат ва мурожаатномаларнинг атиги 51 таси ёки 5,5 фоизи жойларга бориб кўриб чиқилган. Марказий Қўмита аппарати ишида камчиликлар бартараф этилмаганини айтмасдан ўтиш мумкин эмас. Бўлимларда комсомоллардан хат ва мурожаатномаларни кўриб чиқишда асоссиз вақт чўзишларга йўл қўйилади, назоратдаги хатлар билан ишлаш системаси мукаммал эмас. Ҳисобот даврида 90 дан ортиқ хат белгиланган муддатларни бузиб, ортиқча вақт ичида кўриб чиқилган.

Марказий Қўмита комсомол ишини демократлаштириш юзасидан тадбирлар қабул қилгани туфайли, жумҳурият комсомол қўмиталарига катта мустақиллик берилгани сабабли, маҳаллий комсомол ташкилотларига юборилган қарорлар миқдорини қисқартиришга эришилди. Агар 1987 йилда комсомол ташкилотларига юборилган қарорларнинг миқдори 226 та бўлган бўлса, 1989 йилда уларнинг сони 122 тага тенг бўлди, шу жумладан аниқ ҳаракат талаб этувчи қарорлар 1987 йилда 73 та бўлган бўлса, 1989 йилда 39 та бўлди.

Шунингдек, комиссия томонидан Марказий Қўмита бўлимларида ҳужжатлар билан ишлаш, шахсий қарорларни бажарилишини назорат қилиш тартиби ўрганилиб чиқилди. Ҳужжатларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уч ярим йил мобайнида Марказий Қўмита томонидан назоратга олинган бир ярим мингта яқин қарор ва бошқа ҳужжатлар, қарорлар миқдори йилдан-йилга камаймоқда, агар 1987 йилда уларнинг миқдори 387 та бўлган бўлса, 1988 йилда 306 та ва 1989 йилда 253 та бўлган. Шу ерда алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида назоратдан олинаётган қарорларнинг миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда. Агар 1987 йилда назоратдаги қарорларнинг 42 фоизи ўз вақтида назоратдан олинган бўлса, ўтган давр ичида бу кўрсаткич камайиб борган: 1988 йилда — 29 фоиз, 1989 йилда — 26 фоиз ва 1990 йилнинг биринчи ярмида — 24,5 фоизни ташкил этди. Бу эса, назоратга олинаётган қарорларнинг йилдан-йилга ортиб бормоқда демакдир.

Бизнингча, таъкидланган камчиликлар Марказий Қўмита аппарати ходимларининг шахсий жавобгарлиги сусайганлиги, бўлимлар раҳбарияти томонидан талабчанлик камайтирилгани сабабли юзага келган. Марказий Қўмита Котиботи расмийчиликка, масалаларни ҳал этишдаги вақт чўзишларга ўз вақтида эътибор бермаганлиги туфайли келиб чиққан.

Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилоти Тафтиш Комиссиясининг асосий вазифаларидан бири бу Ўзбекистон комсомоли молиявий ва моддий базасини мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланишни оширишда кўмаклашишдир.

Жамиятимизда, фирқа ва комсомолда содир бўлаётган мураккаб, қарама-қарши жараёнлар Тафтиш Комиссияси фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларга таъсир этмасдан қолмади.

Ҳисобот даврида комиссиямиз Марказий Қўмита бюджетининг ижро этилишини 8 марта текширди. Марказий Қўмитага қарашли бир қатор ташкилотлар ва хўжалик ҳисобидаги уюшмаларнинг молия-хўжалик фаолияти тафтиш қилинди. Комиссия аъзолари моддий бойликларни ҳисоб-китоб қилиш текширишларида қатнашдилар, ҳар уч ойда Марказий Қўмита кассаси тафтиш қилиниб турилди.

Ҳисобот даврининг уч йили ичида жумҳурият комсомолининг даромади 86140,3 минг сўмни ташкил этди. Даромаднинг деярли 50 фоизини аъзолик бадаллари ташкил этади, ўтказилган тадбирлардан тушган маблағлар 13,1 фоизни, ёшлар нашриётларининг, рўзномалар ва ойномалардан тушган даромадлар 7,8 фоизни ташкил этди.

Бюджетнинг харажат қисмининг умумий миқдори уч йил мобайнида 73784,9 минг сўмни ташкил қилди. Шундан 76,3 фоизи жумҳурият комсомол ташкилотларининг аппаратларини таъминлашга ишлатилди. Шундан 94,0 фоизи маҳаллий комсомол қўмиталарига ва атиги 6,0 фоизи Марказий Қўмитага тўғри келади.

17505,1 минг сўм (ёки 23,7 фоизи) ташвиқот ишларига, ёшлар орасида маданий-оммавий, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт тадбирларини ташкил этишга, кадрлар ва фаолларни қайта ўқитишга, капитал ва уй-жой қурилишига сарфланган.

Аъзолик бадалларидан тушган маблағларни ишлатилиши тўғрисида саволлар тушиши мумкинлигини назарда тутиб, ахборот бериш, ҳисобот даврининг уч йилида тушган аъзолик бадаллари 43006,2 минг сўмни ташкил қилди, ўтказилган тадбирлардан 11287,9 минг сўм тушди. Бундан ташқари, ёшлар пул-буюм лотереясини тарқатишдан 3,5 млн. сўмдан ортиқ пул тушди.

Уч йилда жумҳурият комсомол ходимлари иш ҳақи фондига 47815,8 минг сўм сарфланди, 1683,6 минг сўм комсомол қўмиталарининг транспорт воситаларини таъминлашга, капитал ва уй-жой қурилишига 4889,4 минг сўм сарф қилинди.

Қолган 3985,6 минг сўм кадрлар ва фаолларни ўқитишга, конференциялар, пленумлар, кенгашлар ўтказишга, хизмат сафари харажатларига, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар харид қилишга сарф қилинди.

Комиссия вақти-вақти билан Марказий Қўмита бюджетининг ижро этилишини текшириб турди ва бугун шуни таъкидлаш мумкинки, Марказий Қўмитанинг молия-хўжалик фаолияти ўрнатилган талабларга жавоб беради. Жиддий бузилишлар, суиистеъмолликлар ҳисобот даврида биз томонимиздан аниқланганлари йўқ.

Шу билан бирга, бюджетнинг бир қанча моддалари бўйича ортиқча харажатларга йўл қўйилган; 1987 йилда икки модда бўйича — 19,3 минг сўмлик, 1988 йилда уч модда бўйича — 233,0 минг сўмлик, 1989 йилда беш модда бўйича — 625,1 минг сўмлик ортиқча харажат қилинган.

Бир вақтнинг ўзида кўпгина моддалар бўйича маблағлар тежамкорлик билан ишлатилган. Албатта, ҳар хил хўжалик эҳтиёжларига бўлган харажатларнинг камайтирилишини қўллаб-қувватлаш керак, аммо ташвиқот ишларига (1987 йилда — 71,4 минг сўм, 1989 йилда — 35,1 минг сўм), кадрларни ўқитишга (1987 йилда — 3,6 минг сўм, 1989 йилда — 10,7 минг сўм), соғлиқни сақлаш тадбирларига (1987 йилда — 28,6 минг сўм, 1989 йилда — 11,3 минг сўм) «иқтисод» қилиш, бизнингча, нотўғри бўлса керак.

Албатта, тежамкорликни бир томонлама, салбий ёки ижобий баҳолаш мумкин эмас, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, бу бюджетни тузишдаги камчиликлардан далолат беради.

Тафтиш Комиссияси комсомол ташкилотлари ва қўмиталарининг бюджетларини режалаштириш тубдан ўзгартириш учун қуйидагиларни амалга оширмоқ лозим деб ҳисоблайди:

— бюджетларни тузишни мажбурий тартибда сайлаб қўйиладиган комсомол органлари аъзоларидан тузилган комиссиялар орқали амалга оширмоқ лозим;

— бюджетларни тузиш жараёнида юқори ва қуйи органлар ўртасида мутаносиб алоқани таъминлаш, шундай иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш лозимки, унда бюджетни мутаносиб тузилишига комсомол тузилмасининг барча поғоналари фаол қатнашишдан манфаатдор бўлсин;

— бюджетларнинг ошкоравий равишда тузилиши ва ижро этилиши бузилмас қоида бўлиб қолиши лозим.

1990 йил 1 январига бўлган комсомол органлари масъул ходимларининг сони 1987 йил 1 январга нисбатан 0,5 фоиз кўпайди, шу жумладан, ноҳия, шаҳар комсомол қўмиталари аппаратлари ходимларининг сони 13,8 фоизга кўпайди. Шу билан бир қаторда уларнинг иш ҳақи фонди 14,1 фоизига ошган. Комиссия Марказий Қўмита яқин вақт ичида бу масалани ўрганиб чиқиб, тегишли чораларни амалга ошириши керак, деб ҳисоблайди.

Съезд делегатларига Марказий Қўмита аппаратининг бугунги тузилиши ва ходимларининг сони ҳақида билиш қизиқ бўлса керак. Бугунги кунда унинг таркибига Котибот ва 7 бўлим киради, уларда 4 та котиб, 7 та бўлим мудири ва 55 та масъул ходим меҳнат қилади.

Техник ходимларнинг сони 24 та, хизмат қилувчи ходимларнинг сони 42 та. Иш ҳақининг умумий миқдори 509,7 минг сўмни ташкил этади, шу жумладан масъул ходимларнинг иш ҳақига 235,5 минг сўм сарфланади.

Таққослаш учун: 1987 йили Марказий Қўмита аппарати тузилмаси қайта тузилишигача, унда 16 та бўлим ва 82 та масъул ходим бўлган. Агар 1987 йилда Марказий Қўмита аппаратини таъминлаш учун 821,4 минг сўм сарф қилинган бўлса, 1988 йилда — 815,1 минг сўм, 1989 йилда — 765,8 минг сўм сарф қилинган, 1990 йилнинг биринчи ярмида, 372,8 минг сўм сарфланди. Агар 1987 йилда масъул ходимларнинг иш ҳақига 297,4 минг сўм ёки бир кишига 302,2 сўм сарфланган бўлса, 1989 йилда 311,5 минг сўм ёки бир кишига 393,3 сўм сарф қилинди.

Ўтган йилларга қараганда жумҳурият ва қуйи комсомол ташкилотларининг тафтиш комиссиялари учун тезкорлик билан кўпаётган хўжалик ҳисобидаги уюшмалар янги ва энг мураккаб назорат объектлари бўлиб қолди. Бугунги кунга келиб уларнинг сони жумҳуриятда 300 дан ошиб кетди. Уларни ташкил этиш ва ривожланишига 1.200 минг сўм ажратилган.

Бошланғич комсомол ташкилотлари ва ноҳия, шаҳар комсомол қўмиталари томонидан Марказий Қўмита аппарати ходимлари бошланғич комсомол ташкилотларига, ноҳия, шаҳар комсомол қўмиталарига кам боришлари тўғрисида кўпгина танқидий мулоҳазалар тушгани туфайли, Тафтиш Комиссияси томонидан Марказий Қўмита масъул ходимларининг хизмат сафарларига чиқиши ўрганилиб чиқилди. Натижада қуйидагилар аниқланди. Марказий Қўмита ходимлари жойларга хизмат сафарларига чиққан пайтларида ўртача атиги битта бошланғич ташкилотга борар эканлар, уларнинг бошланғич комсомол ташкилотларида, ноҳия комсомол қўмиталарида бўладиган вақтлари кўпгина ҳолларда зарур бўлган амалий ёрдам кўрсатиш учун етарли эмаслиги аниқланди.

Ўзимизнинг фаолиятимизга танқидий назар солиб, шунга иқрор бўлишимиз кераккi, натижали иш ташкил қилишни афсуски, амалга ошира олмадик. Ҳисобот даврида Тафтиш Комиссиясининг назоратидан четда халқаро ёшлар саёҳати бюроси, жумҳурият талабалари отрядларининг штаби, «Ёш ленинчи» рўзномаси таҳририяти, Марказий Қўмитанинг бир қанча хўжалик ҳисобидаги корхоналари ва бошқа назорат объектлари қолиб кетди.

Комиссия ўтказилган текширув ва тафтишларнинг материалларини амалга ошириш учун Марказий Қўмита пленумларининг минбаридан фойдаланмади.

Бугунги ўз ваколатини топширган комиссия таркиби, Марказий Қўмита фаолиятини тубдан ўзгартира оладиган, самарали ва таъсирчан назорат органига айлана олмади.

Комиссия бунга асосий сабаблар деб қуйидагиларни ҳисоблайди:

— биринчидан, вазифаларнинг торлиги ва комиссия ҳуқуқларининг чегараланганлиги, жумҳурият комсомолида бўлаётган жараёнларга, комсомолларнинг тез ўзгариб турган талаб ва манфаатларига ўз вақтида ва самарали таъсир кўрсатишга йўл қўймади;

— иккинчидан, Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасида тўла молиявий ва ташкилий мустақилликнинг йўқлиги. Комиссия ҳақиқатда унинг раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб, қуйи тузилмаларни бошқариш воситаси сифатида фойдаланди;

— учинчидан, деярли бутун ҳисобот даврида комиссиянинг бошқа ишлардан озод қилинган ходимларининг, шу жумладан, раисининг йўқлиги, текшириш ва тафтишларни сифатли ва билимдонлик билан ўтказиш учун маблағнинг йўқлиги;

— тўртинчидан, кўпгина комиссия аъзоларининг ташаббуссизлиги, ишдан қочиши. Жумҳурият комсомолининг XXI съезди томонидан «эски принципларга» риоя қилиб, комиссиянинг ташкил этилиши шунга олиб келдики, ҳисобот даврида комиссия фаолиятида таркибининг фақат тўртдан бир қисми иштирок этди;

— бешинчидан, комсомол иқтисодининг ривожланиш, хўжалик ҳисобидаги уюшмаларнинг ташкил қилиниши билан, бирданига ва кўп марта текширишларнинг ҳажми ва мураккаблиги ошиб кетди, айтиб ўтилган шароитларда эса Тафтиш Комиссияси буни ҳатто жисмоний нуқтаи назардан эплай олмас эди.

Комсомол ташкилотларининг, комсомол қўмиталарининг фаолиятини ижобий томонга ўзгартиришда кўп нарса назорат органларининг самарали, таъсирчан ишига боғлиқ. Шу мақсадда Ўзбекистон ЛКЁИ Тафтиш Комиссияси аъзоларидан ва маҳаллий комсомол ташкилотлари тафтиш комиссиялари аъзоларидан тузилган ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган, жумҳурият комсомол ташкилотларида муҳокама қилинган комсомол ташкилотлари назорат комиссиялари тўғрисидаги Низом сизларнинг муҳокамангизга ҳавола қилинади.

Уни ишлаб чиқишда биз назорат комиссияларининг ҳуқуқлари, вазифаларини кенгайтиришга, жавобгарлиги ва мажбуриятларини кучайтиришга тегишли барча масалаларни ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Назорат комиссиялари олдида қўйилган бош мақсад — назоратни янада демократиялаштирилган, ошкоравий ва оммавий қилмоқдир.

Фаолиятнинг асосига комсомол ва комсомол ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш кириши керак.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тафтиш Комиссиясининг ҳисоботини тугатар эканман, делегатларга тақдим этилган ҳужжат лойиҳаларини диққат билан ўрганиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтишларини, таклифларини киритишларини илтимос қилмоқчи эдим.






Шу кунларда Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди қизғин давом этаяпти. Баҳслар, мунозаралар, узоқ тортишувлар, булар ҳаммаси комсомолнинг эртанги куни қандай бўлиши кераклигини белгиласа ажабмас.

Сураткаш: Е. БОТИРОВ.





Мандат комиссияси раиси Қ. САНДИБОЕВ маърузаси

Ҳурматли делегат ўртоқлар!

Жумҳурият комсомолининг ўтган ҳисобот даврини ошкораликнинг тасдиқланиши, демократиянинг кенгайтирилиши ва мустақилликка таяниш деб қисқагина таърифлаб қўйиш мумкин. Бу жараёнлар бизга кўп жиҳатдан Ўзбекистон комсомолининг XXIV съездига делегатлар сайлаш пайтида съездга тайёргарлик борасида иш миқёсини белгилаб олишимизга ёрдам берди.

Съезд Мандат комиссияси вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталари томонидан тақдим этилган ҳамма ҳужжатларни, рўйхатдан ўтказиш натижаларини кўриб чиқди, съезд делегатларининг ваколатлигини текшириб чиқди ва сизларнинг эътиборингизга ўз хулосаларини ҳавола этади.

Делегатликка сайловлар Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг VI пленуми қарорлари ва тавсияномаларига мувофиқ ҳолда олиб борилди, яъни бунда биринчи маротаба съездга делегатларни сайлаш вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол ташкилотлари, йирик бошланғич комсомол ташкилотларининг ўзларига ҳавола этилди.

Ҳамма комсомол ташкилотлари учун ягона вакиллик нормаси, яъни уч минг комсомол аъзосидан бир делегат сайлаш белгиланди.

Бошланғич комсомол ташкилотларининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 6542 нафар йигит ва қиз делегатликка номзод қилиб кўрсатилди, бу эса битта делегатлик мандати учун 7 киши кураш олиб борганлигини кўрсатади.

Бевосита бошланғич комсомол ташкилотлари томонидан тўғридан-тўғри 39 нафар делегат сайланди. Шаҳар, ноҳия, комсомол қўмиталарининг кенгайтирилган пленумларида бошланғич ташкилотларнинг таклифларига биноан 735 нафар, вилоят комсомол қўмиталарининг кенгайтирилган пленумида 132 нафар ўртоқлар делегат бўлиш шарафига муяссар бўлдилар.

Съезд ишида 888 нафар делегат иштирок этмоқда. Узрли сабабларга кўра 18 нафар делегат съезд ишида қатнаша олмаяпти.

Съезд Мандат комиссияси делегатларни сайлаш бўйича вилоят, шаҳар, ноҳия ва йирик бошланғич комсомол ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан тўлиқ танишиб чиқди ва сайлов натижаларини шубҳа остига олувчи ҳеч қандай хатоликларга йўл қўйилмаганлигини таъкидлаб ўтишни лозим топди.

Ҳурматли ўртоқлар! Менга съездга сайланган барча делегатлар вилоят комсомол қўмиталари томонидан белгиланган тартибга биноан сайланганлигини маълум қилиш ваколати топширилди.

Ижозатингиз билан съездимиз делегатлари таркиби ҳақида қисқача маълумот берсам.

Съезд ишида 190 шаҳар ва ноҳия комсомол ташкилотлари вакиллари қатнашмоқдалар.

Съездга делегат қилиб 14 миллат ва элат вакиллари сайланганлар.

Съездга сайланган делегатлар орасида хотин-қизларимиз 20 фоизни, яъни 238 нафарни ташкил этади. Шуни афсус билан айтишимиз кераккi, бу ўтган съездларимизга нисбатан сезиларли даражада камдир.

Делегатлар орасида 525 нафар ёки 58 фоиз киши фирқа аъзоси ва аъзоликка номзоддир.

Съездга 85 нафар саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари; 110 нафар деҳқончилик саноати комплекси ходимлари; 128 нафар талабалар ва ўқувчилар делегат қилиб сайланганлар.

Делегат қилиб сайланганлар орасида 99 нафар илмий иш билан шуғулланувчи, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, ёшлар оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам бор.

Съездга делегат этиб жами 433 комсомол ходими сайланган, жумладан 156 нафари бошланғич комсомол ташкилотининг котиблари, 210 нафари эса шаҳар, ноҳия комсомол ташкилотларининг ходимларидир.

Делегатлар таркиби ёшига нисбатан қуйидагича: 20 ёшгача бўлган делегатлар 137 нафарни, 21 ёшдан 25 ёшгача бўлган делегатлар 197 нафарни, 26 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар 404 нафарни ва 30 ёшдан юқори бўлганлар 168 нафарни ташкил этади.

Съездда иштирок этаётган делегатлар ўз комсомол стажи бўйича қуйидагича тақсимланадилар: 3 йилгача бўлган делегатлр 110 нафарни, 4 йилдан 10 йилгача бўлганлар 305 нафарни; 10 йил ва ундан юқори бўлганлар 488 нафарни ташкил этади.

Делегатларнинг маълумот даражалари қуйидагича: 605 нафар делегат олий ва тўлиқсиз олий; 206 нафар делегат ўрта ва ўрта махсус; 95 нафар делегат тўлиқсиз ўрта ва бошланғич маълумотларга эга.

Қарийб барча делегатларимиз жамоат ишларида фаол қатнашиб, анча тажриба тўплаганлар, жумладан, улар орасида 531 нафар делегат комсомол сайлаб қўйиладиган органларига, 238 нафар делегат фирқа ва касаба уюшмаси органларига сайланганлар, 175 нафар делегат Шўро Иттифоқи ва жумҳурият олий органларига, қишлоқ, шаҳар, ноҳия ва вилоят Шўроларига депутатликка сайланганлар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, съездимиз ишининг яхши ўтишини таъминлайди.

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон комсомолининг XXIV съезди делегатлари бошланғич комсомол ташкилотларининг йиғилишларида, вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталарининг кенгайтирилган пленумларида кенг муқобиллилик асосида сайланганлар.

Съездга делегатлар сайлаш тартибини вилоят комсомол қўмиталари ўз бюро ёки пленумларида белгилаганликларини ҳисобга олган ҳолда Мандат комиссияси ҳар бир делегатнинг ваколатини шу вилоят комсомол ташкилотининг вакили сифатида кўриб чиқди ва тасдиқлашга қарор қилди. Шунинг учун ҳам сизларга берилган ва берилажак вақтли гувоҳномаларингизга ҳамда мандатларингизга вилоят комсомол ташкилотларининг номлари ёзилган.

Кеча бўлиб ўтган вакиллар кенгаши томонидан Мандат комиссиясига Қорақалпоғистон Мухтор жумҳурияти комсомол қўмитасининг биринчи котиби Шербоев Лепесбойга делегат сифатида мандат ёзиб бериш таклифи тушди. Чунки ўртоқ Шербоев Лепесбой Ўзбекистон комсомоли XXIV съездига делегатлар сайлови тугагандан кейин Қорақалпоғистон Мухтор жумҳурияти комсомол қўмитасининг биринчи котиблигига сайланган эди. Мандат комиссияси бу таклифни кўриб чиқди ва маъқуллади.

Ўртоқлар! Мандат комиссияси вилоят, шаҳар, ноҳия ва бошланғич комсомол ташкилотлари томонидан сайланган Ўзбекистон комсомоли XXIV съездининг 906 нафар делегатларининг ваколатларини тасдиқлаб беришларингизни сизлардан сўрайди.

БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ МАЪЛУМОТНОМА

Сизларга маълумки, БЛКЁИ МҚнинг 1989 йилги VI пленумида бутуниттифоқ комсомол ташкилотидан 75 киши ССЖИ халқ депутати этиб сайланди. Уларнинг таркибида Ўзбекистон комсомолининг вакили сифатида сайланган. Андижон вилояти; Шаҳрихон шаҳридаги 4-ўрта мактаб директори муовини — Пўлатжон Охунов; Сирдарё вилояти Боёвут ноҳиясидан А. С. Пушкин номидаги давлат хўжалигининг ишчиси — Насиба Каримбердиева; Қашқадарё вилояти Қарши ноҳиясидан С. Раҳимов номидаги давлат хўжалигининг ишчиси — Санобар Раҳимова; Самарқанд лифт заводида гальваник лавозимида ишловчи — Мелиев Абдурашидлар бор.

Комсомол ташкилотидан сайланган ССЖИ халқ депутатларининг иши БЛКЁИ XXI съездида батафсил кўрилди ҳамда уларнинг комсомол ташкилотлари билан алоқасини ўрганиб чиқиш масалалари бўйича комиссия ташкил этилди ва мен шу комиссиянинг раиси этиб сайланганман.

Комиссия раиси сифатида Ўзбекистондан вакил қилиб сайланган ССЖИ халқ депутатларнинг ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни сизлар эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Бунинг учун бизнинг комиссия ССЖИ халқ депутатларидан ёзма равишда ўтган давр ичидаги ишлари тўғрисида ҳисоботини талаб қилиб олди. Бундан ташқари ССЖИ халқ депутатларига номзод қилиб кўрсатган бошланғич комсомол ташкилотларидан улар тўғрисида фикрномаларни, депутатларнинг матбуот саҳифаларида чиқишлари ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни таҳлил қилиб чиқди.

Депутат Пўлат Охунов тўғрисида. Бу борада Фарғона, Андижон ва Наманган вилоят комсомол ташкилотларидан фикрномалар келиб тушди. Шуни таъкидлаш зарурки, Пўлатжон Охунов бизнинг комиссиямизга ўзининг ёзма ҳисоботини тақдим этмади, Фарғона ва Андижон вилоят қўмиталаридан тушган баҳо тўғрисида айтадиган бўлсак, у киши ўзининг сайловчилари билан жуда кам учрашиши, ўз фаолияти тўғрисида маълумотномалар бермаслиги ҳамда вилоят қўмитасида ишлаб чиқилаётган «Ёшлар» дастурида иштирок этмаслиги таъкидланиб ўтилган. Фарғона вилояти комсомол қўмитасидан тушган хатни ўқиб бермоқчиман: «Ўзбекистон ЛКЁИ Фарғона вилояти қўмитаси маълум қиладики, ССЖИ халқ депутати Пўлатжон Охунов ўзининг депутатлик фаолиятида комсомол фаоллари билан учрашиш учун 1990 йилнинг февраль ойида Марғилон шаҳрига бир марта ташриф буюрди ва шу йилнинг 24 февраль куни вилоят комсомол қўмитасининг II пленумида иштирок этди. ССЖИ халқ депутати П. Охунов вилоят ёшларининг ҳеч бир муаммосини ечишда ёрдам кўрсатмади. Комсомол фаоллари билан бўлган учрашув эса савол-жавоб тариқасида ўтганлиги қайд қилинган».

Насиба Каримбердиева тўғрисида Сирдарё вилоятидан қониқарли баҳо қўйилган мазмундаги хатни олдик. У киши бизга ўзининг фаолияти тўғрисида ёзма ҳисоботини тақдим қилди. Унда аниқ ишларга тўхталиб ўтилган. Масалан, Фарғона муддҳиш воқеалари тўғрисида Охунбобоев, Ўзбекистон, Олтиариқ, Бағдод ва Фарғона ноҳияларида кенг тушунтириш ишларини олиб борганлиги, Боёвут ноҳиясида 34-ўрта мактабнинг янги биносининг қурилишида, баъзи фуқароларга уларнинг жиноят содир қилганлиги учун жиноий жазо муддатининг қисман қисқартирилишига, Жиззах шаҳридаги муаллимлик илмгоҳи учун янги ётоқхона қурилишига кўмаклашгани баён қилинган. Аслида эса вазият у киши мақтаганчалик эмас. Жиззах вилоят комсомол қўмитасидан тушган хатда Насиба Каримбердиеванинг Жиззах муаллимлик илмгоҳи учун ошхона, кутубхона ва спорт комплексини қурилишига ёрдан бермаётганлиги ҳақида куйиниб ёзилган.

Санобар Раҳимова ўз фаолияти тўғрисида комиссияга ёзма равишда ҳисоботини топширган. Унда Муборак газни қайта ишлаш заводида атмосфера ҳавосини булғашга қарши қаратилган қурилма ўрнатишга муваффақ бўлганлиги, Қарши ноҳиясида Ёшлар марказини

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВ

Одатда, тиш оғриғида касаллик варақаси очилмайди. Бинобарин, у жиддий хасталик саналмайди. Аммо тиш оғриғи қандай дард эканини ақалли бир кеча мижжа қоқмай, жағини чангаллаб чиққан одам яхши билади. Тиш — одамзотга тангри томонидан берилган неъмат, тиббиёт тилида айтсак, овқатни чайнаш вазифасини адо этувчи зарур орган ва яна... ҳусн. Бунисини биласиз. Бироқ тиши тўкилиб кетиш қандай дардларга олиб келишини дўхтирлару, шу қисмат бошига тушганлар билади.

Имплантация дегани нима? Нима учун одамлар унга шунчалик қизиқиб қолди.

Гапни аввало имплантация деган ғайриоддийроқ сўздан бошлай қолайлик. «Имплантант» дегани инсоннинг бирон аъзосига жонсиз нарсани (дейлик, маъдандан ясалган жисмни) жойлаб, уни одамга хизмат қилдиришдир. Лекин тиш имплантацияси деганда, қоплама ёки танглай тишларни тушунмаслик керак. Имплантация тишлари табиий тарзда инсон организмига сингиб кетади ва «учинчи умр» вазифасини ўтайди. Одамзотнинг тишлари икки марта яшайди:сут тишлари ва ундан кейин ўсиб чиққан умр тишлари.

Тиш имплантацияси деганда одамнинг битта тиши тушганми, ҳаммаси тўкилиб кетганми, ўрнига бир умр хизмат қилувчи янги тиш қўйиш деган маъно тушунилади. Масалан, сизнинг битта тишингиз йўқ. Имплантация мутахассиси ўша тиш ўрнига «қозиқ қоқади». Бунинг учун жағ суяги тешилади, илдизга турли маъданлардан ясалган «қозиқ» ўрнатилгач, устига сиз хоҳлаган (олтин, кумуш, чинни, платина, садаф, пластмасса, суяк) тиш ўрнатиб қўйилади. Агар оғзингизда биттаям тиш қолмаган бўлса, юқори ва паст жағ суякларга бир нечтадан қозиқ «қоқиб», тишлар унга уланади, ва бу тишлар сизга умрбод хизмат қилади. Синмайди, оғримайди...

Шубҳасиз, жағ суягини тешиш, «қозиқ қоқиш»деган гаплар эриш туюлиши табиий. Бироқ бу юмушлар нозик операция йўли билан қилинади. Уч-тўртта тиш ўрнатмоқчи бўлган беморлар бир ҳафта-ўн кунда соғайиб ва ҳатто ёшариб кетади, ҳамма тишидан айрилганлар учун эса йигирма беш, ўттиз кун даволанишга тўғри келади. Шифохонадаги қўли енгил мутахассисларга «Электроника» (Югославия), «Хиродент» (Чехословакия), «Юнит» (Болгария), «Программат» (ГФР) сингари замонавий ускуналар, АҚШ, Япония мамлакатларидан олиб келинган турли лазер жиҳозларидан фойдаланиш қўл келади. Бемор амалда оғриқ сезмайди. Табиийки, бундай қимматбаҳо қурилмаларни ҳеч ким бировга текинга ҳадя қилмайди. Устига-устак «илдиз»га ўрнатиладиган тишлар пул туради.

Жағ суягига «қоқиладиган қозиқ» ҳам анчайин мураккаб «қурилма». У аввало, бақувват бўлиши, қолаверса, инсон организми учун бегона жисм бўлиб қолмаслиги, милкка табиий сингиб кетиши керак. Демак, унинг ҳақи ҳам тўланиши лозим. Битта шундай тиш қўйдириш 40 сўмдан 100 сўмгача — қозиққа ўрнатиладиган тиш қандай металлдан ясалишига қараб, баҳоланади. Бу арзонми ёки қимматми? Агар Италияда битта имплантант тишнинг нархи 300 минг лира туришини эслатсак бизда унинг нархи арзон эканлиги аён бўлади. Қўқондаги мазкур шифохона амалда мамлакатимиздаги ягона марказ ҳисобланади. Шу боисдан унда даволаниш учун навбат кутаётганларнинг рўйхати узун. Беморлар келаси йил ўрталаригача навбатга ёзилиб қўйишган. Австрия, Болгария, Саудия Арабистони, Исроил ва бошқа талай мамлакатлардан ҳам беморларга ёрдам бериш ва ишда ҳамкорлик қилишга чорловчи хатлар Қўқондаги марказга кўплаб келган.

Ривожланган капиталистик давлатларда тиш имплантациясига қизиқиш кўпдан бери мавжуд. Бизнинг мамлакатимизда бу масала 50-йилларда тажриба қилиб кўрилган. Аммо дастлабки натижа кўнгилдагидек чиқмаган. Фақат 80-йилларнинг бошида каунаслик оддий врач О. Н. Суров мазкур усулни қўллашга киришди. 1986 йили Иттифоқ имплантаторларнинг ўқув курслари очилди., Қўқон стоматология шифохонасининг врачлари А. Исмоилов, Т. Маллаев, И. Шокиров, Б. Мансуровлар мазкур курсларда ўқиб келишди. Орадан кўп ўтмай, Ўрта Осиёда биринчи марта беморга имплантант тиш ўрнатилди. Қўқонда очилган марказнинг довруғи дунёга тарала бошланди.

«Ҳурматли доктор Мансуров! Сизга илтимос билан мурожаат қиляпмиз. Тиш имплантациясига муҳтож бир гуруҳ беморларимизни даволашга ёрдам берсангиз. Имкони бўлса Олмаотагача бўлган йўлкирани бизнинг мамлакат тўласа-да, у ердан Қўқонгача бўлганини тўлашга сизлар ёрдам берсангиз. Яна бир тилагимиз, агар Хитойга келиб, бизнинг мутахассисларга ўз тажрибангизни ўргатсангиз, ниҳоятда миннатдор бўлур эдик. Хуань — Май — Шень (профессор), Ху—Юинг—Шень (доцент). Хитой Халқ Жумҳурияти».

«Жаноб доктор Мансуров! Бизнинг мутахассисларга тиш имплантацияси сирларини ўргатсангиз. Эвазига жумҳуриятингизга қанча хоҳласангиз, ўшанча бир маротаба ишлатиладиган шприц жўнатишга тайёрмиз. Доктор Кумар. Фирма бошлиғи —Гарт. Ҳиндистон».

«Ўзбекистон Жумҳуриятида, Қўқон шаҳрида шундай шифохона борлигини, унда ақл бовар қилмас ишларни рўёбга чиқараётган шифокорлар хизмат қилаётганини кўриб, бошимиз осмонга етди. Оллоҳ ёр бўлсин сизларга! Муҳаммад Маданий Убайдулло. Ҳасан Аҳмаджон Ўори. Фозил Маҳмуд Фозил Мақсуд. Абдулҳаким Исмоил Халифа. Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Мағрубий... Саудия Арабистони...».

«Правда», «Комсомольская правда» рўзномалари, Иттифоқ марказий телевидениеси қўқонлик шифокорларнинг бир қарашда ғайритабиий кўринадиган ишлари ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилдилар. Марказнинг тиш «худо»лари шу қадар ғайрат билан ишга киришиб кетдиларки, қисқа вақт ичида бир эмас, саккизта кашфиётни тақдим этдилар. Бош врач Бахтиёр Мансуров билан тиш техниги Р. Петросян «Ихтирочилик ва кашфиётчилик аълочиси» деган унвонга сазовор бўлди. Бахтиёр Мансуров Москвада, ГФЖ, Швеция, Швейцария фирмалари билан ҳамкорликда ўтказилган симпозиумларда қатнашди. Болгарияда бўлиб ўтган шундай халқаро анжуманда у «Ўзбекистон стоматология имплантация марказининг иш тажрибаси» мавзуида маъруза қилди. Италиядаги Халқаро симпозиум қатнашчилари эса ўзбекистонлик ҳамкасблари кўп жиҳатдан бошқалардан ўзиб кетганлигини эътироф этдилар. Доктор Мансуров ҳикоясини мароқ билан тингладилар. Чиндан ҳам Қўқонда қисқа фурсат ичида 300 га яқин беморга 630 дан ортиқ имплантантлар қўйилган ва бу ерда илгари бошқа жойларда қўлланмаган янгича тажрибалар ўтказилаётгани мутахассисларни қизиқтирмаслиги мумкин эмас эди.

Айтайлик, шафтоли данагининг пўчоғи (ғадир-будир қаттиқ қисми) қанчалар шифобахш неъмат эканини қадимдаги «саводсиз» табиблар билса билгандир. Аммо бизнинг «саводли» замонамизда бунга ҳеч ким аҳамият бермаган. Қўқон ёғ-мой комбинатига кўп йиллар бошчилик қилган тиниб-тинчимас олим Юсуфбек Ёқубов данак мағизларидан ёғ олиш масаласида чин маънода инқилоб ясабгина қолмай, ҳатто данакнинг пўчоғи ҳам бекор кетмасин, деб куюнгани рост бўлиб чиқди. Икки йил илгари Украина ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёси илмгоҳининг лаборатория бошлиғи В. В. Стрелько Қўқон ёғ-мой комбинатига келиб, данак пўчоқлари ва мойлардан шифобахш сорбент моддаси тайёрлашга кўмаклашди. Украина олимига минг раҳмат! Ўзимизнинг «зукко»ларга умид қилсак: данак пўчоғига ҳам бош қотириб ўтирамизми, ахлатга ташла-қўй, деб ўзга «жаҳоншумул» ўйлар билан банд бўлишармиди? Олим маслаҳати билан Қўқон стоматология ва имплантация марказида сорбентлар амалда қўллaнила бошланди. Ажаб, тиш милкининг яллиғланиши, илдизининг касалланиши, парандантоз, оғиз шиллиқ пардасининг хасталаниши, милкни кесиш, жағни тешиш каби жароҳлик яраларини даволашда данак пўчоғининг кукуни беқиёс ёрдам бераркан. Яна бир кутилмаган натижа кўринди: шафтоли данагининг пўчоғидан тайёрланган дори суякнинг ўсишига кўмаклашаркан. Сорбентлар 95—97 фоизгача ижобий натижа берди. Аввалари турли хасталиклар туфайли уч ойдан олти ойгача даволанишга мажбур бўлган беморлар энди қисқа фурсатда соғайиб кетдилар. 300 дан ортиқ бемор тиш ва милк оғриғидан сорбент туфайли фориғ бўлди. Олимларимиз кўнглига олмасин-ку, амалиётдаги фойдаси қачон кўриниши мавҳум бўлган семиз-семиз «докторлик» ишларидан кўра мана шундай «кичик» ихтиролар ҳаётга яқинроқ турмасмикин?

Имплантация марказида хизмат қилаётган барча шифокорларни номма-ном санаш қийин. Фақат шуни айтиш керакки, уларнинг деярли барчаси ёшлар. Бу ерда даволанган беморларнинг миннатдорчилик хатларида жарроҳ Т. Муллаев ва М. Султонова, ортопед А. Исмоилов ва И. Қосимов, тиш техниклари И. Шокиров, А. Зиёфуддинов, С. Хидиров, Р. Петросян, ҳамширалар О. Обидова, Ш. Шерматова, Д. Мадалиева, санитарка Р. Шоназарова номи кўп бор тилга олинади. Бош врач Бахтиёр Мансуровни эса у ёғи Аргентинаю, Италиядан тортиб бу ёғи Ҳиндистону Покистонгача танийди.

Шифохонанинг довруғини тасодифан эшитдик. Миннатдорчилик хатлари, дунёнинг тўрт томонидан келган телеграммаларни ўқидик, қилинаётган ишларни тасвирловчи видеофильмларни кўрдик. Бири Владивостокдан, бири Москвадан, яна бири Қўқоннинг ўзидан келган беморлар билан суҳбатлашдик. Инсоф билан айтганда, бу ердаги замонавий жиҳозларга, озодалик ва тартибга Тошкентдаги талай шифохоналар ҳавас қилса арзийди. Кейин бизга «Тишингизнинг тошини олиб ташлайликми?», деб таклиф қилишди. (Тушунарли, бизнинг устимизда «кичик» тажриба ўтказишмоқчи).

Тўғрисини айтсак, иккиланиб қолдик.Албатта, маълум ёшга борганда ҳар кимнинг ҳам тиши сарғаяди, олд ёки орқа томонига тош йиғилади. Аслида тишга ёпишган тош ёки тузни олиб ташлаш-тиш суғуриш эмас, оғримайди. Фақат наштар билан «қирт-қирт» қилиб тош кўчириш асабга тегади.

— Қўрқманглар! — деди ёш ҳамшира кулимсираб. — Кўп вақтингизни олмаймиз...

...Ишонсангиз, нариси билан 5—7 минут ичида тишимиз «бинойидек» ёшариб кетганини кўриб, ҳайрон қолдик. Ҳеч қандай наштар, ҳеч қандай қитир-қитир йўқ! Лазер ускунаси гўё тишингизни гоҳ уст томонидан, гоҳ ост томонидан бирма-бир «силаб» ўтади. Тамом—вассалом!

Қўқон тиш хасталиклари маркази нима учун шунчалик машҳур бўлиб кетганини ўз танамизда синагандек бўлдик. Ва яна бир нарсани англадик. Одамлар бу ерда даволаниш учун йиллаб навбат кутишига бошқа сабаб ҳам бор экан. Қадим саҳобаларнинг бири айтган: «Тангрим, менинг елкамга кўтаролмайдиган юкни қўйма!». Ажаб ҳақиқат! Ҳозир мазкур шифохона елкасига тушган юк шу қадар оғирки, кўтариши мушкул бўлиб қолди. Имплантация маркази дунёга ҳарчанд машҳур бўлмасин, қилинаётган хайрли ишлар ҳақида Москвадан кўра биз камроқ гапиряпмиз. Балки шунинг учун энг юқоридан — Москвадан келадиган казо-казолар хоҳлаган пайтда бу ерда шифо топиб кетишар. Ишонаверинг, пойтахтлик дўхтирлардан умид узиб охир-оқибат Қўқонда шифосини топган, тишини умрбод бутунлаб кетган «катта шахслар» оз эмас. Айни пайтда бошқа ҳақиқат ҳам бор. Ҳар бир жумҳурият ўз мустақиллигига интилаётган пайтда Иттифоқ маркази аллақандай Қўқон шифохонаси учун маблағ ажратмайди. Ҳолбуки, бу ерга олиб келинган чет эл жиҳозлари валютага сотиб олинади. Бу эса катта пул! Бу — масаланинг бир томони. Иккинчидан, ҳали айтганимиздек, тўрт-бешта тишни имплантация қилиш учун бирон ҳафта кифоя. Аммо бутунлай тўкилиб кетган 32 тишни қайтадан умрбод қилиб ўрнатишни орзу қилган одам қарийб бир ой даволаниши шарт. Қатнаб шифоланиш қийин. (Айниқса, олисдан, масалан, Қорақалпоғистон ёки Хоразмдан келган одамлар). Шароит шуни тақозо қиладики, Қўқон имплантация марказида беморлар ётиб даволанадиган стационар очиш керак бўлади.

Имплантант «қозиқлари» мураккаб қурилма эканини айтдик. Уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун эса керакли жиҳозларни тайёрлайдиган мутахассисларни ҳам етиштириш лозим. Қўқонда кўп йиллар ишлаган (очиғини айтганда, асосан бойлик орттириш учун ишлаган) малакали тиш техникларининг аксарияти чет элларга кўчиб кетди. Демак, марказ учун маҳаллий кадрлардан мутахассис тайёрлаш лозим. Биринчи навбатда, авлод-аждоди тиш техниги бўлган, бироқ замона зўрлиги билан бу касбни ташлаб юборган маҳаллий «тиш қўювчилар»нинг фарзандларини бу ишга жалб қилинса ёмон бўлмайди. Афсуски, ҳозир Қўқон тиш имплантацияси марказида мутахассис врачлару тиш техниклари у ёқда турсин, оддий ҳамширалар ҳам етишмай қоляпти — иш ҳажми катта, штат эса чекланган. Агар махсус касалхона очилса, яна кўплаб врачлар, ҳамширалар, техниклар керак бўлади. Модомики, Қўқон тиш имплантацияси маркази жумҳурият ва мамлакатда ягона шифохона экан, бу ерда тиш касалликлари билан шуғулланувчи ҳамширалар тайёрлашга мосланган билим юрти очилса, кўп хайрли иш бўлур эди. Бир томондан, ёшлар иш билан таъминланади, иккинчи томондан, марказ фаолияти янада кенгаяди.

Хўп, маблағни қаердан оламиз, деган савол туғилиши табиий. Бу сўроққа оддийгина жавоб бериш мумкин. Маблағ топилади. Ҳатто валюта топса ҳам бўлади. Чет эллардан шунча илтимослар келаётган Қўқондаги имплантация маркази дунёга машҳур бўлиб кетган экан, демак, бошқа мамлакат фуқароларини ҳам даволаш мумкин. Текинга эмас, валютага! Эҳтимол бу йўлда тўсиқлар кўпдир. Аммо тўсиқларни босиб ўтиш, янгича фикрлаш, янгичасига ҳаракат қилиш — ўзимизга боғлиқ. Олдимиздан оқиб ўтаётган сувнинг қадрини билайлик. Уни бўғмайлик. Бекорга исроф қилмайлик!

Озод ШАРАФУДДИНОВ,
Ўткир ҲОШИМОВ.

депутатлари фаолиятлари тўғрисида

Шаҳрисабзда тарихий ва маданий обидаларни таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратишга ёрдам кўрсатилганлиги ва бошқа ишлар тўғрисида баён қилинган. Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, Санобар Раҳимова Тошкент вилоятида комсомол-ёшлар билан учрашув олиб бормаётир. Умуман сайловчилар билан у киши жуда кам учрашаяптилар.

Мелиев Абдурашид ўзининг фаолияти тўғрисида комиссия иши учун ёзма ҳисоботини топширди. Унда Самарқанд шаҳрида ёш депутатлар клуби ташкил қилишда фаол қатнашганлиги, ССЖИ Олий Кенгашининг қўмита ва комиссияларининг ишларида иштирок этиб, ўзининг 23 дан ошиқ фикр ва мулоҳазаларини ёзма равишда етказганлиги ҳақида, пахта харид нархининг қайтадан кўриб чиқилиши тўғрисидаги таклифи, Самарқанд вилоятида ёшларнинг хўжалик ишларини юритишда, марказларни ташкил этишга ва ёшларнинг маданий-маиший дам олишлари учун шароит яратишга кўмаклашганлиги тўғрисида баён қилинган. Ўзбекистон ЛКЁИ Самарқанд вилоят қўмитаси V пленумининг қарорида депутат Мелиев Абдурашидга «Самарқанд вилоят ёшларининг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш бўйича биринчи галда бажарилиши лозим бўлган тадбирларни» бажаришга амалий ёрдам бериш юклатилган. Қорақалпоғистон МШСЖдан келган маълумотномада айтилишича, ўртоқ Мелиев А. бу ҳудудга ташриф буюрмаган.

Ўзбекистон вакили этиб БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари тўғрисида Бухоро вилояти комсомол қўмитасидан комиссия номига юборилган хатда «Каримбердиева Насиба, Охунов Пўлатжон, Раҳимова Санобар, Мелиев Абдурашид ўтган вақт ичида ҳеч қандай тадбирларимизда иштирок этмадилар, ўзларининг депутатлик ҳуқуқий ваколатларини ва комсомол-ёшлар ўртасидаги масъулиятларини ҳис қила олмадилар», — деб қаттиқ танқид қилинган.

Наманган вилоят комсомол қўмитасидан олинган хатда «ССЖИ халқ депутати этиб сайланган Насиба Каримбердиева, Абдурашид Мелиев, Пўлатжон Охунов ва Санобар Раҳимовалар вилоятимизга келишади, комсомол-ёшларимиз билан мулоқотда бўлишади, мавжуд муаммолар билан яқиндан танишадилар, ССЖИ халқ депутатлари съездлари тафсилотларини депутатларимиз оғзидан тинглаймиз, деб умид қилган эдик» деб ёзадилар. Минг афсуски, ССЖИ халқ депутатларимизни ёшларимиз у ёқда турсин, ҳатто комсомол фаоллари жумҳурият ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг пленумларида аҳён-аҳёнда учраша оладилар.

Юқорида санаб ўтган ССЖИ халқ депутатлари фаолиятидаги нуқсонларнинг сабаби шундаки, Ўзбекистон вакили БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари ёшлар орасига интилмаётганлиги ва муаммоларни ҳал қилиш юзасидан қатъий нуқтаи назарга эга эмаслигининг натижасидир.

Ўтган давр ичида ССЖИ Олий Кенгашида ёшлар ва байналмилалчи жангчилар иши бўйича Қўмиталар тузилди. БЛКЁИдан сайланган халқ депутатларидан 13 киши Олий Кенгашнинг Иттифоқ Кенгашига ва 3 киши эса Миллатлар Кенгашига сайланишига муваффақ бўлдилар. Комсомолдан сайланган ССЖИ халқ депутатларидан 33 киши ССЖИ Олий Кенгашининг ҳар хил қўмита ва комиссияларида иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистондан вакил қилиб сайланган ССЖИ халқ депутатлари, афсуски бу қўмита ва комиссиялар таркибига сайланишга муваффақ бўла олмадилар.

Ҳозирги жўшқин сиёсий ҳаётда БЛКЁИ ташкилотидан сайланган ССЖИ халқ депутатлари амалдаги «ССЖИ сайлов ҳақида»ги Қонун бўйича биринчи ва охирги марта мамлакатимиз олий органида вакил сифатида бўлиб қолиши мумкин. Ҳозирги комсомол ташкилотларида кескин ўзгаришларни инобатга олиб, комиссия қуйидаги хулосаларга эътибор беришингизни сўрайди:

1. Ўзбекистон вакили сифатида БЛКЁИдан ССЖИ халқ депутати этиб сайланган Охунов Пўлатжон, Каримбердиева Насиба, Раҳимова Санобар, Мелиев Абдурашидларга ёшлар масаласи бўйича ижтимоий буюртма бериш зарур. Бу ижтимоий буюртма (талаб ёки топшириқ) зарур топилса шу съездда ёки бўлмаса яқин орада бўладиган Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ пленумида ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу қаторда бўлажак ССЖИ халқ депутатлари IV съездига топшириқ бериш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш зарурдир.

2. Ўзбекистон вакили ҳисобланган ССЖИ халқ депутатларимизга жойларда ҳаракатчан фаол ёрдам бермоқ зарур. Уларга ҳар хил соҳаларда ишловчи малакали мутахассисларни бириктириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу соҳада шуни қўшиб айтиш мумкин-ки, бизнинг ССЖИ халқ депутатлари жойлардаги ва Ўзбекистон халқ депутатлари билан яқиндан алоқада бўлишлари, агар зарур бўлса Ўзбекистон ЛКЁИ қошида ёш халқ депутатларига ҳар томонлама ёрдам бериш учун махсус гуруҳ тузилса нур устига аъло нур бўлур эди.

3. ССЖИ халқ депутатларининг мунтазам равишда ҳисоботларини қабул қилиш тартиботини жорий қилиш зарур деб ҳисоблаймиз. ССЖИ халқ депутатлари ўз нуқтаи назарини комсомол-ёшларга етказиш, ССЖИ халқ депутатлари съездларида, ССЖИ Олий Кенгашида ва БЛКЁИнинг 75 халқ депутатлари гуруҳидаги ишлари тўғрисида маълумотномалар билан чиқишлари зарур деб ҳисоблаймиз.

4. Муҳим хулосалардан яна бири, Ўзбекистон комсомолининг Марказқўми халқ депутатлари хусусида аниқ бир нуқтаи назарга эга эмаслигидир. Бу ҳолат биздан сайланган ССЖИ халқ депутатлари учун овоз беришда анча мушкул аҳволга солиб қўяётир. Шу нарсани таъкидлаш зарурки Пўлатжон Охунов, Насиба Каримбердиева, Санобар Раҳимова, Абдурашид Мелиев ССЖИнинг олий органида — қонун чиқарувчи Олий Кенгашида бизнинг вакилимиз деб ҳисобланади ва уларнинг овоз бериши комсомол-ёшлар хусусидаги Ўзбекистон ЛКЁИ ишлаб чиққан нуқтаи назарига таянмоғи зарурдир.

Юқорида баён қилинган маълумотномамиз олдимизда турган мушкул вазифаларни бажаришда, комсомол ташкилотлари ва халқ депутатлари орасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга умид қилади ҳамда Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллик йўлида қўйган мақсад сари эришишга кўмак бўлади, деб ишонч билдирамиз.

5. Комиссиянинг охирги хулосаси, бу ССЖИ халқ депутатларининг иш фаолиятларини матбуот саҳифаларида, айниқса, «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана» рўзномаларида, ойнаи жаҳон ва радио тўлқинларида, тўғридан-тўғри мулоқотлар ўтказиш амалиётини тадбиқ қилиш зарурдир. Ўзбекистон ЛКЁИ биносида ССЖИ халқ депутатларининг қабул кунлари учун махсус хона ва уларга шароит яратиб бериш шарт, токи комсомол-ёшлар ўз муаммоларини шу халқ депутатлари билан ҳал қилиш имкониятига эга бўлишсин, зарур бўлса, бу муаммоларни мамлакатимизнинг олий органида кўтариб чиқиб, унинг ижобий ҳал қилинишига интилишлари керак, деб ҳисоблаймиз.

Хорижлан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАРШАВА. «Бирдамлик» касаба уюшмасининг раҳбарияти кончиларнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида ҳукумат билан олиб борган музокаралар қўшма баёнотни имзолаш билан ниҳоясига етди.

Унга мувофиқ, жумладан 15 декабргача шахталарга ёрдам пули, тармоқ ҳунар-техника билим юртларига маблағлар, шунингдек кончиларнинг уй-жойларига қўшимча ҳақ ажратиш муаммоси бартараф этилади. Бундан ташқари, касб-ҳунар байрамлари арафасида ҳар йили махсус бериладиган мукофотларни сақлаб қолишга кафиллик берилган. Ҳукумат кон саноати тузилмаларини такомиллаштиришга ва тегишли қонунга доир ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам сеймга тақдим этади. Қонун кучга кирганидан сўнг кўмирнинг чекланган нархи бекор қилинади.

ПРАГА. Бу ерда Чехословакия касаба уюшмалари конфедерацияси бош кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда касаба уюшмаларига дахлдор асосий қонунларни муҳокама қилиш чоғида ЧСФЖ федерал мажлиси (парламенти)да юзага келган мушкул вазиятга нисбатан меҳнаткашларнинг муносабати аниқланди. Кенгаш парламент депутатларига очиқ мурожаатномани маъқуллади. Мурожаатномада меҳнаткашларнинг меҳнат қилиш, бепул тиббий ёрдам ва таълим олиш, ижтимоий жиҳатдан муносиб таъминланиш соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақирилади.

Биз депутатларга келажагимиз ҳал қилувчи ижтимоий кучларнинг аҳиллигига боғлиқ эканлигини эслатиб ўтамиз, дейилади ҳужжатда. Касаба уюшмалари, шубҳасиз, шундай кучлар қаторига киради.

Чехословакия касаба уюшмалари конфедерациясининг бош кенгаши мурожаатни қўллаб-қувватлаб, конфедерацияга бирлашган барча касаба уюшмаларида иш ташлашга тайёргарлик кўриш ҳақида маълум қилди.

БОНН. Кескинликни юмшатиш жараёни кучайганлиги, қуролсизланиш юзасидан Вена музокараларида аҳдлашувларга эришилганлиги Ғарбий Германия ҳарбий саноати Бундесвер Ғарбий Германия ҳарбий саноатига берадиган буюртмаларини уч баравар камайтиришга олиб келади. Яқин келажакда ҳарбий ишлаб чиқариш саноати корхоналарида банд бўлганларнинг тўртдан бир қисми жиддий қийинчиликларга дуч келади. Иқтисодий оқибатларнинг миқдори бўшатиб олинган ишлаб чиқариш қувватларидан қай даражада самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади. Парламентнинг ГФЖ иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги статс-котиби Эрих Ридль «Зюддойче Цайтунг» рўзномаси мухбири билан суҳбатда шу ҳақда гапирди.

Ҳарбий саноатни конверсиялашда Германия Федератив Жумҳурияти бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан анча қулай аҳволдадир, деди сўнгра вазирлик мутахассиси. Ғарбий Германиядаги энг катта концернларда ҳарбий ишлаб чиқариш ҳиссаси 9 фоиздан сал кўпроқни ташкил этади, айни вақтда бу кўрсаткич АҚШда 30 фоизга яқин, Францияда эса 40 фоиздир. Ҳарбий эҳтиёжларга сарф-харажатлар ҳар йили 5 миллиард марка қисқараётган ва ушбу маблағлардан давлатнинг бошқа эҳтиёжлари учун тегишли равишда фойдаланилаётганда, масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун иш билан банд этиш соҳасидаги сиёсатга конверсия жиддий салбий таъсир кўрсатмайди.

Ҳарбий мақсадлар учун тайёралар ва фазода учадиган аппаратлар ишлаб чиқараётган концернлар тузилмавий муаммоларга анча кўп дуч келадилар. Бу ҳарбий кемасозликка ҳам дахлдордир. Зирҳли танк техникаси, тўплар ва ўқ-дорилар ишлаб чиқарадиган саноат тинч йўлга ўтказилаётганида ҳам мушкулликлар пайдо бўлади. Тинч маҳсулотларга ҳамма жойда талабни кучайтиришни, Шарқда ва Ғарбда бозорлар очишни бундай қийинчиликлардан чиқиш йўли деб биламиз, деди Ридль.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Энергетика вазирлиги билан тузилган шартномаларни амалга оширувчи Америка корпорациялари ядро чиқиндиларини тозалашдан бош тортишмоқда, бу иш катта сарф-харажатларни талаб этади.

Бир ой муқаддам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги янги қонун кучга киргунига қадар бу билан боғлиқ деярли барча ишлар давлат хазинаси ҳисобидан амалга ошириларди. Бу мақсадлар учун нисбатан кам маблағ сарфланарди, бунинг натижасида ишлаб турган кўпгина корхоналар яқинида 40 йил мобайнида самарали тозалаш қурилмаларини ўрнатиш имконияти бўлмасди. Оқибатда уларнинг аксарияти, теварагидаги ер ва сув заҳарланиб қолган эди.

МЕХИКО. Эркин савдо хусусидаги битим Қўшма Штатлар билан Мексика ички бозорларини мустаҳкамлабгина қолмай, айни вақтда ҳар иккала мамлакат иқтисодиёти бир-бирини бойитишига ва жаҳондаги энг юқори даражада моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга имкон беради, деди АҚШ Президенти Жорж Буш Мексикага расмий ташрифи чоғида.

Америка маъмуриятининг бошлиғи Монтеррей шаҳридаги маҳаллий театрда сўзга чиқиб, «Мексика ҳам Америка Қўшма Штатлари сингари жаҳонни иқтисодий уюшмаларга бўлиб юборишни рад этаётганлигини ва бутунжаҳон савдосини шароитга мослаштиришни ёқлаб чиқаётганлигини» таъкидлади.

(ТАСС, 28 ноябрь).



Америка Қўшма Штатлари болалар ўртасида ўлим даражасини камайтириш, бу соҳада ютуқларга эришиш мақсадида бир йилда 500 миллион доллар сарфлаши керак. Мутахассислар шундай хулосага келишди. Ҳозир Қўшма Штатларда 1 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлим даражаси бўйича жаҳонда 20-ўринни эгалламоқда. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида, ҳомиладор аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича кенг қамровли программани ишлаб чиқишди.

ТАСС фотохроникаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЎСМИРЛАР УЧУН КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ

● АҚШдаги жиноятлар пойтахти деб аталувчи Атланта шаҳрида 17 ёшдан кичик бўлган ўсмирлар учун комендантлик соати жорий этилди. Бу тадбир нафақат шаҳар ёш аҳолисининг, балки ота-оналарнинг ҳам «энсасини» қотирди. АП агентлигининг хабарига кўра, бундан буён кеч соат 23 дан эрталаб 6 гача кўчада бир неча марта қўлга тушган ўсмирларнинг ота-оналари 2 ойгача озодликдан маҳрум этиладилар ёки 1 миллион доллар жарима тўлайдилар.

ШЕРЛОК ХОЛМС МУЗЕЙИ

● МИННЕСОТА штатидаги дорилфунун кутубхонасини АҚШдаги А. Конон Дойл ихлосмандлари юқоридаги ном билан аташади. Гап шундаки, бу ерда машҳур изқувар ҳақида чоп этилган кўплаб асарлар бор: 43 тилдаги 9 мингта китоб, ёзувчининг 19 мингта рўзнома ва ойномаларда эълон қилинган асарларидан қирқимлар. Алоҳида хонада Шерлок Холмс ва унинг содиқ дўсти, ёрдамчиси доктор Ватсон яшаган уйнинг макетлари бор. Шуниси қизиқки, бу макетларни музейга муштарийларнинг ўзлари тайёрлаб, совға қилишган.

ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

● БАЗЕЛЬ шаҳридаги ресторанлардан бирида ойига икки юзга яқин қошиқ йўқоларди. Унинг эгаси Анжелик Фаралли қошиқлар йўқолмаслигининг йўлини топди. У ресторанидаги барча қошиқларнинг ўртасидан кичик тешик очиб қўйди. Шундан бери бу ердан биронта ҳам қошиқ йўқолгани йўқ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хорижлан хабарлар

Нуқтаи назар

ҲОКИМИЯТ ВА САЛОМАТЛИК

Қўққисдан Никита Сергеевич гапимни бўлди: «Мана ҳозир таниқли жарроҳимиз Борис Васильевич буйракни кўчириб ўтказиш ҳақида гапираяпти. Агар у Мао Цзэ-Дунга бошқа бош кўчириб ўтқазса, яхшироқ бўларди!»

Устимдан қайноқ сув қуйилгандек бўлди. Залда барча социалистик мамлакатлар делегацияси ўтирарди. Қарасам, Хитой, Вьетнам, Шимолий Корея делегациялари намойишкорона ўринларидан туриб, чиқиб кетишяпти. Қисқа фурсатдан кейин сўзимни давом эттирдим.

Эртаси куни рўзномалар йиғилиш тўғрисида ҳисобот бердилар, аммо маърузалар стенограммасидан, табиийки, Хрушчевнинг сўзлари тушиб қолган эди.

— Ҳукумат бошлиғининг шахсий таъби ва бир баҳялик кайфияти унинг қўл остидагилар тақдирига, сиёсатга қанчалик таъсир қилишини энди биз биламиз. Булар уларни даволаётган врачларга қандай таъсир кўрсатади? Мана сиз ҳукумат бошлиғига яқинлигингиздан ўз шахсий манфаатингизга бўлмаса-да, хизмат мақсадларида, яъни фаровонлик учун фойдаланганмисиз?

— Мен кўп йиллар Хрушчевлар оиласида даволовчи врач бўлганман. Ва ҳатто Никита Сергеевич истеъфода эканлигида ҳам барчаларини даволаганман. Шунинг учун нима деяётганимни яхши биламан.

Биз у билан 1954 йил майда танишганмиз. Мен ўша вақтда Кремлдаги даволаш-санитария бошқармасида бош жарроҳ бўлиб ишлардим. Профессорларимизнинг кўпчилиги асосий вазифаларидан ташқари олий билимгоҳларда ва бошқа клиникаларда ишлашарди. Тўсатдан мени ва профессор Марковни Хрушчевнинг квартирасига чақиртиришди. У яшайдиган уй Кремль касалхонаси рўпарасида, Грановский кўчасида жойлашганди. Хрушчевнинг рафиқаси Нина Петровна касал бўлиб қолган эди.

Елиб-югуриб давлат ҳисобидан жиҳозланган учинчи қаватдаги катта квартирага кириб бордик. Нина Петровна хобхонада ётарди. Даволовчи врач ҳали яқинда бемор ўнг умуртқа олдида қаттиқ оғриқни бошдан кечирганини айтди.

Биз диагноз қўйиб, эртаси куни касалхонага ётқиздик. Операция лозим эди. Никита Сергеевич бу ишни бажаришни мендан илтимос қилди. Очиғини айтсам, бу менга хуш ёқди.

Ҳаммаси яхши тугади.

Сўнгра мен тез-тез ўз мижозим олдига бориб турдим, Хрушчевларнинг дала ҳовлисида ҳам бўлганман. Ҳамма вақт меҳмоннавозлик билан мени чойга таклиф этишарди. Ҳар сафар мен бу имкониятдан фойдаланиб, шунчаки гап орасида тиббиёт эҳтиёжларидан сўз очардим. Лекин қарийб ҳар гал беҳуда урииганим қоларди. Хрушчев бамисоли мени эшитмас эди. Тиббиётга унинг раҳми келмасди.

Кунлардан бир куни ўша вақтдаги ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазири С. В. Курашов мендан икки масала бўйича: икки тиббиёт олий билимгоҳини Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарамоғига ўтказиш ва Москвада бир неча касалхоналар қурилиши тўғрисида бош вазир билан гаплашиб кўришни илтимос қилди.

Чошгоҳ пайти эди. Биз ҳукумат дала ҳовлисида стол атрофида ўтириб, чой ичардик. Бир қадаҳдан коньяк ҳам ичиб олдик. Суҳбат юришиб кетди. Никита Сергеевич ҳажвни ҳис қиладиган, ҳазиллашишни хуш кўрадиган одам эди. У шахтада ишлаган пайтларидаги таассуротлари билан ўртоқлашди. Юзларида самимият балқиб турарди, ҳа деса куларди. Гарчанд шу пайтгача тиббиётга нисбатан шубҳа билан қарашини билсам ҳам, қулай фурсат топиб, унга С. В. Курашовнинг илтимосини етказдим. Хрушчевнинг жаҳли чиқиб кетди. Дарҳол кайфияти бузилди. «Нима, сиз унга... адвокатлик қилиб келдингизми? Назаримда сиз бу ерга даволовчи врач сифатида келган эдингиз, шекилли?» дарғазаб бўлиб шуларни айтди у.

Нина Петровна уни тинчитишга уринди, тиббиётга кўмаклашишни илтимос қилди. Никита Сергеевич ўзини қўлга олиб, орада бўлиб ўтган гапларни унутгандек, яна мафтункор, меҳмондўст соҳибга айланди. Мен бу суҳбатни оғир кечирдим, очиғини айтганда, вазиримизнинг қисматидан хавотирга тушдим. Лекин Курашовга ҳеч қандай ёмонликни раво кўришмади.

Умуман, Хрушчев билан суҳбатлашаётиб, унинг шифокорлардан қўрқишини англадим.

— Сталин қўрққан, Хрушчев қўрққан, Носир қўрққан... Ҳокимият шубҳа-гумон уйғотар эканда?

— Шахсан менга Хрушчев оиласи яхши муносабатда эди. Никита Сергеевичнинг синглисини, ўғлини, қизини операция қилишимга тўғри келган. Биз тез-тез унинг Қримдаги дала ҳовлисида, тантанали тушликларда учрашардик. Хрушчев эски комсомол қўшиқларини куйлашни яхши кўрар, дастурхон атрофида ўтирган барчанинг соғлиғи учун қадаҳ кўтарар, берилиб отиш бўйича мусобақалар ташкил этар ва ҳар хил ўйинларда ўзи ҳам қатнашар эди.

Хрушчев билан бўлган яна бир учрашув ёдимга тушади. Бу воқеа фожиавий вазиятда, 1965 йилда, менинг вазир қилиб тайинланганимдан сал кейин юз берган эди.

Менга Нина Петровна қўнғироқ қилиб, Петрово-Дальнийдаги дала ҳовлисига етиб келишимни сўради. Шубҳасиз, мен тез етиб боришга ваъда бериб, телефон дастагини энди қўювдим ҳамки, Брежнев қўнғироқ қилиб қолди. Брежнев Хрушчев оғир ётиб қолганини айтиб, уни мен операция қилишимни истаётганини билдирди: «Ахир сиз Хрушчевлар оиласининг даволовчи жарроҳисиз, шундайми? Нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қилинг».

Никита Сергеевични таниш қийин эди: у жуда озиб кетган, териси салқиганди. Сариқ. Оғриқ қоринда эди. Юраги ёмон ишлар, томир уриши бўш эди. Текширув ўт пуфагида ва умуман, ўт йўлида тош йиғилганлигини кўрсатди. Бу, операция қилиш керак, дегани эди. Аммо бу ҳолатда хатарли эди. Мен парҳез таом, қоринга совуқлик, антибиотик белгиладим. Эртаси куни Грановский кўчасидаги касалхонага олиб бориб, у ерда операция қилмоқчи бўлдим.

У ўзини мардона тутди. Нина Петровнани хотиржам қилиш учун ҳаммасига чидади. Бу аёл барча ҳаётий вазиятларда назокатини йўқотмас, фавқулодда оқила, саховатли, камтар ва ҳаддан ташқари дилбар эди. Шуни айтиш керакки, бизнинг собиқ бош вазиримиз омадли эди: ажойиб хотин, яхши фарзандлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ишончли руҳий тиргак кўп жиҳатдан Хрушчевнинг соғлиғини сақлаб қолди, истеъфода ҳам узоқ йиллар яшашга имкон берди.

Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик. Никита Сергеевич аста-секин соғая бошлади, иштаҳа пайдо бўлди, сариқ кетди. Оёққа туриб олди.

Мен Петрово-Дальнийга келганимда, Никита Сергеевич анъанавий чойдан кейин баъзан сайлга таклиф этарди. Невараси ва катта немис овчаркаси билан биргаликда боғ бўйлаб сайр қилар эканмиз, у ўзининг ўтмиши ҳақида сўзлаб берарди. Бирор марта бўлсин, сиёсат тўғрисида, ўзининг ишдан олиниши тўғрисида оғиз очмасди, унинг тилидан ҳеч қачон ранжиганию хафа бўлгани ҳақида эшитмаганман. Лекин хоҳиш-иродасига қараб ўтирмай, хукмронлиги зўрлаб тортиб олинган ҳар қандай одам, бу нарсани унутмайди. Инсонни руҳан ич-ичидан емиради.

Хрушчев 1971 йилда юрак мушаклари инфарктидан вафот этди.

— Борис Васильевич, мижозларингиз орасида Носир ва Садат ҳам бўлганини эслаб ўтдингиз. Уларнинг саломатлиги қандай эди?

— Ҳар иккови катта ҳокимиятни ўз қўлида тутиб турган кишиларга хос бўлган касаллик — қаттиқ атеросклероз билан оғриган эдилар.

Носир — гарчанд, бир хилда баҳолаш қийин бўлсада, — ёрқин сиймодир. Ажойиб нотиқ, ғайратшижоатли, оқил. У маъруза қилганда тингловчилар нақ маҳлиё бўлиб қолишарди. Носир жуда машҳур эди. Менинг назаримда, унда қандайдир яширин пружина бўлиб, у атрофдагилар учун кутилмаган бир аснода чўзилиб, бу касалманд одамга ҳаётий куч бағишлар эди.

У атеросклерознинг оғир кўринишидан азоб чекарди. Ҳокимиятни қўлдан бой беришдан жуда қўрқар, ҳаммадан шубҳа қилар, қуйингки, ўз мамлакатидаги шифокорларга ҳам ишонмасди. Шунинг учун бизда даволанар эди. Ҳатто Мисрга бориб, консультация беришимга ҳам тўғри келган. У кўп ишларди, бу қадар жисмоний ва руҳий зўриқиш билан узоққа боролмаслиги аниқ эди. Бизда, Цхалтубода даволанарди. 52 ёшида дунёдан кўз юмди.

Анвар Садат Носир билан тенгқур эди. У менга ўртамиёна, ғўр ва қизиғи йўқ одам бўлиб туюларди, Носир ҳукуматида у учинчи шахс эди. Эҳтиёткор, ҳамма нарсага, шу жумладан, врачларга ҳам шубҳа билан қарарди. Учрашув дамларида асабийлашар, кўзи олма-кесак терарди.

— Хрушчев деярли 60 ёшида ҳокимиятни қўлга олди ва етмиш ёшларида четлаштирилди. Шундан кейин ҳам бизда ҳукуматдаги асосий лавозимларни ёши қайтиб қолган одамлар эгаллаб келишди — Брежнев, Андропов, Черненко... Сиёсий Бюро аъзоларининг қарийб барчаси улар билан тенгдош эдилар. Чет элларда ҳатто «ССЖИнинг геронтологик раҳбарияти» (геронтология — организмларнинг тузилиши ва умрни узайтириш масалалари билан шуғулланувчи фан) деган ибора пайдо бўлди. Мамлакат ичидаги турғунлик ва ташқи сиёсатдаги ҳужумкорликни уларнинг номи билан боғлашади. Шифокор сифатида уларнинг бу фикрларини тўғри, деб ҳисоблайсизми?

— Ҳозир Брежневни энг бемаза сўзлар билан ҳақоратлаш одат тусига кирди. Лекин биз бу ўринда ўз тарихимизни унутаётирмиз. Йўл бошидаги Брежнев билан йўл охиридаги Брежнев мутлақо икки хил одамлардир.

Мен врач сифатида Леонид Ильичнинг 18 йиллик фаолиятини икки даврга бўлган бўлардим: биринчиси, бу — ҳокимият тепасига келган ва кейинги йиллар, иккинчиси, бу касал бўлиб қолгач, мамлакатни бошқаришда амалда четлашиб, уни «ўз сафдошлари» қўлига топширган йиллардир. Юқорида айтиб ўтганимдек, одамнинг руҳияти, кайфияти, у қабул қиладиган қарорлар унинг ҳолатига боғлиқ. Ҳокими мутлоқ бўлиб олган жиззаки, боз устига қари ва касал одам ўзи билмаган ҳолда мамлакатнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлиши мумкин. Хасталик чоғларида у ишдан мутлақо четлаб, бошқарувни қўлдан чиқариб юборишини, бошқарувни эса кўп ҳолларда унинг атрофидаги унчалик муносиб бўлмаган кишилар ўз қўлларига олишини исботлаб ўтириш шарт бўлмаса керак.

Биз буни Брежнев даврида ҳам, ҳолати разм бўлиб ётган Андропов ва Черненко даврида ҳам бошимиздан кечирганмиз. Дарвоқе, айнан ўша кишилар мамлакат бошига афғон урушини солдилар, ўжарлик қилдилар, уни то... гача олиб боришга даъват этдилар.

Биз энди танишганимизда Леонид Ильич 56 ёшда эди. Ўрта бўйли, эсда қоладиган даражада қуюқ қора қош, қора сочли, спортчига хос жуссали бу одам ўз ёқимтойлиги билан суҳбатдошида дарҳол яхши таассурот қолдирар эди. Унинг нисбатан камтаринлиги ва аввалига фақат битта лавозим — партия раҳбарлиги билан кифояланиб, мамлакат Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда Олий Кенгаш Раёсати Раиси лавозимларини бошқа раҳбарлар (Подгорний ва Косигин)га қолдирганлиги кўпчиликда ҳурмат уйғотганди. Чунончи, бу учлик орасида Подгорний, Брежневнинг қулоқли ёрдамчиси бўлса, ўзининг алоҳида нуқтаи назари ва «акс феъл-атвори»га эга бўлган Косигин бамисоли унинг мухолифидек эди. Ҳамма буни ижобий ҳол, деб ҳисобларди.

Дарвоқе, нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки барча хорижий сиёсатчилар ҳам ўшанда ССЖИ раҳбарияти ўзгаришини табриклагандилар. Янги иш бошлаган кезлари Брежнев тўғрисида давлат арбоби сифатида кўпчилик анча юқори фикрда эди.

Ёши қайтган сари Брежнев ботбот касалга чалина бошлади. Мен, дейлик, Хрушчевга бўлганим каби унинг даволовчи врачи бўлган эмасдим, аммо у мамлакатга сиёсий раҳбарлик қилишдан амалда жуда тез-тез ва узоқ муддатга четлашиб турганини яхши биламан. Қарилик ва касаллик ўз-ўзидан кишини меҳнатга лаёқатсиз қилиб қўяди. Ҳамиша асаб ва юрак-қон томир системасининг оғир юкдан чарчаши, уйқусизлик, оиладаги ғалвалар, қизи ва куёви билан юз берган чигалликлар ўлганнинг устига чиқиб тепиш бўлди. Ҳаддан ташқари кўп миқдорда дори истеъмол қилиш, бунга оиладагиларнинг эътиборсизлиги шунга олиб келдики, сўнгги йиллари Брежнев кучли тинчлантирувчи воситаларсиз яшолмайдиган бўлиб қолди. Шу ҳолда у мамлакатнинг тўлақонли раҳбари бўла олармиди?

(Боши ўтган сонда).

(Давоми бор).

«Ёш ленинчи»га ёзилдингизми?

БУГУН ОХИРГИ КУН...



«Ёш ленинчи»ни тайёрада ҳам ўқишади.

Суратқаш Е. БОТИРОВ.

ТУШГАН МАБЛАҒ — ОБУНАГА!

Бу сафарги ташаббусни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Барча жойларда уюштирилган шанбаликларда ёшлар астойдил иштирок этишди. Чунки, бир кунлик беминнат меҳнат эвазига ёшлар бир йил давомида комсомол нашрларининг муштарийлари бўлиш бахтига эришдилар. Шунингдек, шанбаликдан тушган маблағнинг бир қисмига байналмилал жангчилар ва илғор комсомол-ёшлар бепул обуна қилинди. Уларнинг қирқ нафари «Ёш ленинчи» рўзномасига обуна бўлди.

Бундай хайрли ишга Пахтачи ноҳия комсомол қўмитаси бошқош бўлди.

М. ШОДИЕВА,
ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби.

«Ёш ленинчи» Ҳурмат китоби

Шундай қилиб, ўн учинчи ноябрдан йигирма тўққизинчи ноябрга қадар ўтказилган обуна натижасига кўра «Ёш ленинчи» «Ҳурмат китоби»га қуйидагилар ёзилдилар:

1. А. Мамадалиев — **Фарғона вилояти Олтиариқ ноҳияси комсомол қўмитаси биринчи котиби.** Ноҳия комсомол қўмитаси ҳисобидан энг илғор 182 нафар ёшни «Ёш ленинчи»га бепул обуна қилгани учун.
2. П. Собиров — **Ургут ноҳияси комсомол қўмитаси биринчи котиби** (собиқ). (Ҳозир Самарқанд вилояти комсомол қўмитаси котиби). 100 нафар ёшни Ургут ноҳияси комсомол қўмитаси ҳисобидан «Ёш ленинчи»га бепул обуна қилгани учун.
3. М. Шодиева — **Пахтачи ноҳияси комсомол қўмитаси биринчи котибаси.** Ноҳия комсомол қўмитаси уюштирган шанбалик ҳисобидан 40 нафар илғор ёшларни ва байналмилал жангчиларни «Ёш ленинчи»га бепул обуна қилгани учун.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мана ниҳоят обуна учун ажратилган қўшимча бир ой вақт ҳам тугади. Рўзномамизга ўз вақтида обуна бўлганлар бир йил «Ёш ленинчи»ни ҳузур қилиб ўқийдиган, фурсатни бой берганлар эса энди рўзнома дўконларида навбатда турадиган бўлишди.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ваъда берганимиздек обуна давом этаётган даврда «Ёш ленинчи» «Ҳурмат китоби»га ёзилганларни рўзномамиз саҳифаларида эълон қилиб бордик. Ғалвир сувдан кўтарилишига саноқли кунлар қолди. «Ёш ленинчи» рўзномасига обунани ташкил қилишда уюшқоқлик кўрсатган ташкилотларни эса мукофотлар кутмоқда. Бугун жумҳуриятимиздаги алоқа бўлимлари «Союзпечать» агентликлари ходимлари энг охирги обуна варақаларини тўлдиришади. Фурсатни бой бермай, охирги имкониятдан фойдаланинг.

Ҳарбий қисмлар ҳаётидан

АСКАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. Каримовнинг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистондан чақирилган йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга оталиқ қилиш ишларини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган, шунингдек, жамоатчилик, уруш ва меҳнат ветеранлари вакилларининг ҳарбий бўлинмаларга мунтазам бориб туришини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган.

Яқинда Ўзбекистон делегацияси Кавказорти ҳарбий округи қисмларида бўлиб қайтди.

ЎзТАГ мухбири делегация бошлиғи, Ўзбекистон ССЖ Халқ депутати И. Ғ. Бурхонов билан суҳбатлашди.

— Бизнинг ҳарбий қисмга сафаримизнинг асосий мақсади ҳамюртларимизнинг ҳолидан хабар олиш, ҳозирги вақтда армияда содир бўлаётган баъзи бир кўнгилсиз воқеаларнинг такрорланишига йўл қўймасликдан иборат эди, — деди Икромжон Ғуломович. — Биз тўрт кун мобайнида Тбилиси шаҳри ва округнинг бошқа ҳарбий қисмларида бўлдик. Ўзбекистонлик йигитлар, уларнинг командирлари ва сиёсий бўлимларнинг бошлиқлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказдик.

— Ҳамюртларимизнинг турмуш шароитлари қандай?

— Уларнинг турмуш шароити ёмон эмас. Бизлар бир неча кун аскарлар казармасида яшадик. Хоналар саранжом-саришта. Йигитларимизга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳам дуруст йўлга қўйилган.

Биз ҳарбий қисмга ўзимиз билан жумҳуриятимизда чоп этилган бир қанча нашрларни, жумладан «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномалари ҳамда «Гулистон», «Саодат» ойномаларининг янги сонларини, шунингдек «Темир хотин» видеофильмини олиб бордик. Йигитлар ушбу нашрлар билан қизиқиб танишдилар. Кейин эса видеофильмни томоша қилдилар.

Биз аскарлар ошхонасида ҳам бўлдик. У ерда йигитлар учун тайёрланаётган овқатларнинг хили, уларнинг сифатини кўздан кечирдик, татиб кўрдик. Шуни айтиш керакки, таомлар сифати яхши.

— Сиз билан бирга борган ота-оналар вакиллари ҳам бунга ишонч ҳосил қилишган бўлса керак?

— Ҳа, бизнинг делегация таркибида Андижон вилоятининг Марҳамат ноҳиясидан Аҳволи Мансуров ҳам бор эдилар.

Қисмларнинг бирида Андижон вилоятидан йигитлар ҳам хизмат муддатини ўтаётган эканлар. Оддий аскарлардан Мадор Собиров, Насибжон Олимов, Расул Отажонов, Наврўзбек Мансуров ва бошқалар шулар жумласидандир. Ёшларнинг кўпчилиги шу йилнинг май ойида армияга чақирилган.

Аҳволи ака ўз ҳамқишлоқларига улар ота-оналарининг саломини топширди. Сўнгра эса, армиянинг ўзига хос қийинчиликлари, бу қийинчиликларга бардош бериш, чидамли бўлиш, Ватанимизнинг турли минтақаларидан келган ёшлар билан дўстлашиб, ҳарбий бурчни намунали адо этиш юзасидан маслаҳатлар берди.

Ўзбекистонликлар билан учрашувларда улар хизмат қилаётган қисмда баъзи муаммолар мавжудлиги, ҳарбий интизомга хос бўлмаган айрим муносабатлар, «оқсоқолчилик» кўринишлари борлиги ҳам маълум бўлди.

Биз қисм командирлари ва сиёсий бўлимларнинг бошлиқларидан ана шу муаммо ҳамда камчиликларни тезда тугатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилдик. Зарур ҳолларда юртдошларимизнинг хизмат қилиш жойини ўзгартиришларига ҳам кўмаклашдик. Айрим ёшлар Кавказнинг иқлим шароити туфайли саломатлиги ёмонлашганлигини айтишди. Уларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилди.

Суҳбатлар чоғида қурилиш қисмида хизмат қилаётган айрим йигитлар ўз иш жойларидаги шароитнинг ёмонлиги ҳамда меҳнатларига яраша ҳақ ололмаётганликларини билдирдилар. Уларнинг бу шикоятлари тўғрисида ҳарбий қисм командирлари ва сиёсий бўлимларнинг бошлиқлари хабардор қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, биз ҳарбий қисмда бўлган пайтимизда командирлар Ўзбекистондан армияга чақирилган ёшлар ҳақида, уларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётганликлари, меҳнатсеварликлари, интизомлиликлари ҳамда тарбия кўрганликлари тўғрисида ўзларининг яхши фикрларини билдирдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ.

БИРИНЧИ ЎЙИНДА — ҒАЛАБА

Ўтган чоршанба куни Москвадаги «Торпедо» ўйингоҳида УЕФА кубоги нимчорак финалининг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. «Торпедо» Франциянинг «Монако» командасини қабул қилди. Вақти-вақти билан ёғиб турган ёмғир футболчиларнинг ўйингоҳда яхши ҳаракат қилишларига имконият бермаган бўлса ҳам, учрашув ниҳоятда қизиқарли ўтди. Беллашувнинг биринчи бўлими майдон эгаларининг устунлигида ўтганлигини 2:0 ҳисобидан ҳам билса бўлади. 20-минутда «Торпедо»нинг ёш, келажаги порлоқ футболчиси Юрий Тишков ҳисобни очди. Биринчи бўлимнинг охирги дақиқаларида Николай Савичев меҳмонларнинг бир неча ўйинчисини доғда қолдириб, иккинчи тўпни «Монако» капитани Эттора қўриқлаётган дарвозага йўллади.

Иккинчи бўлимда торпедочиларнинг хотиржамликка берилганидан фойдаланган «Монако» кетма-кет ҳужум уюштирди. 56-минутда тажрибали Пасси командаси учун зарур бўлган ягона тўпни киритди. Маълумки, бу мусобақада икки учрашувдан кейин командалар бир хил очко тўпласалар, ўзгалар майдонида киритилган бир тўп иккитага ҳисобланади.

Такрорий учрашув 11 декабрь куни Францияда бўлиб ўтади.

ТВ

1 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ЁШ ИЖОДКОРЛАРИ ШУ КУНИ СИЗЛАРНИ «ЁШЛАР ВИДЕОКАНАЛИ» КЎРСАТУВЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР.
БИЗ КЎРСАТУВЛАРИМИЗНИНГ НОМЛАРИ, ТОМОША ВАҚТИНИ АТАЙЛАБ ЁЗМАДИК.
КЎРСАТУВЛАРИМИЗ ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАНАДИ.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Қоплон учун уй». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Отаёр. «Диёр madҳи». Телекомпозиция. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.05 Ўзбекистон ЛКЁИ съездига бағишланади. «Камолат-90». Жумҳурият ёш хонандалар конкурсининг якунловчи концерти. В. И. Ленин номидаги ССЖИ Халқлари дўстлиги саройидан ёзиб олинган.

● ЎЗТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Мусиқий ахборот. 9.55 Бизнинг хазинамиздан. А. Чхаидзе. «Авлодлар». Телеспектакль. 12.55 «Аэлита, эркакларга хиралик қилма». Бадиий фильм (рус тилида).

* * *

18.05 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Светофор». 18.40 «Омад калити». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Тожиктелефильм»). 19.00 «Новости». 19.20 «Ширу шакар». Адабий-мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ахбор». 20.50 «Дилро ба дил рахест». Тожикистон ҳақида қўшиқлар. 21.30 Москва. «Вақт». 22.05 Б. Кимёгаров фильмлари. «Ҳасан аравакаш» (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Сиз яратган боғ». 9.30 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 10.00 «Инсон. Ер. Коинот». 11.00 «Манеждан манежгача». Э. Белютин студиясининг бўлажак «Янги воқелик» кўргазмаси олдидан. 11.10 «Ҳайвонот оламида». 12.10 «Парнас сари бир босқич». 12.25 «XX аср. Ташвишли давр хроникаси». Кинопрограмма. «Оҳ бу кўздаги ёшлар». (Махфий протоколлар масаласига доир). Бадиий-публицистик фильм премьераси (М. Горький номли киностудия). 14.00 СПИДга қарши кураш жаҳон кунига. Телекўприк. 15.30 Режиссёр И. Селезнёва фильмлари. «Ҳаммага ташаккур» («Экран»). 17.05 Кам сонли халқлар фольклор жамоасининг концерти. 17.25 «Халқаро панорама». 18.15 МТ экранида биринчи марта. «Фёдор Кузькининг ҳаётидан». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (М. Горький номли киностудия). 21.20 ССЖИ ҳукуматида. 21.30 «Вақт». 22.05 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.20 «Ангажемент». «Борис Рубашкин Москвада». 23.45 «ТСН». 24.00 Джаз портретлари.

● МТ II

12.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

14.45 «Қадимий вулқон этакларида». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь). 15.00 Халқ куйлари. 15.15 «Черногоранинг муҳаббати ва нафрати». Телефильм. 15.25 «Россиянинг буюк кишилари» туркумидан. «Протопоп Аввакум». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Центрнаучфильм»). 15.50 «Оила». Телепрограмма. 16.50 А. Барикин ўз қўшиқларини ижро этади. 17.15 «Лўли». Бадиий фильм. 18.35 «ССЖИ халқ артисти Анатолий Соловьяненко». Телефильм. 19.25 «Юзма-юз мулоқот: автомобилистни севасизми». Автомобиль харид қиладиганлар ва бу ҳақда энди орзу қилаётганлар учун фойдали ва тортишувли мулоҳазалар. 20.00 «Алоқа-анжуман». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сузишни ўрганамиз». 20.45 РСФСЖ шаҳарлари телестудиялари. «Маршал Г. К. Жуков ҳақида хотира» (Свердловск). 21.15 «Индамас». Телефильм. 21.25 Коллаж. 21.30 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 22.30 «Фақат бир учрашув». Ю. Антонов қўшиқлари. 23.15 Фигурали учиш. Халқаро мусобақалар. Хотин-қизлар. Эркин программа. Одессадан кўрсатилади.

Тунги сеанс

24.00 «Жабрланувчининг кўрсатмалари». «Полициянинг телефони «110» туркумидан.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28625.